

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

**АБДУРАҲИМ ТУРОБОВ**

ЛОТИН АЛИФБОСИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК ЁЗУВИ ВА  
ИМЛО ҚОИДАЛАРИ

(услубий қўлланма)

САМАРҚАНД-2005

Туробов А.М. Лотин алифбосига аосланган ўзбек ёзуви ва имло қоидалари. (услубий қўлланма). Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2005 йил, 80 бет

Қўлланмада ўзбек халқи фойдаланган 20 га яқин ёзувлар тарихи, хусусан, рун, уйғур, араб, лотин, кирилл алифболари ҳақида маълумот берилган. Ҳар бир алифбонинг ўзига хос бўлган жиҳатлари ҳақида фикр юритилиб, янги алифбони ўрганувчилар учун амалий кўрсатмалар берилган.

Ушбу қўлланма янги лотин алифбосини ўрганувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор  
**Турниёзов Н.Қ.**

Такризчилар: филология фанлари доктори, профессор  
**Ўринбоев Б.Ў.**

филология фанлари номзоди, доцент  
**Бегалиев Н.Б.**

Самарқанд давлат чет тиллар институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти- Самарқанд- 2005 йил

## КИРИШ

Тил чексиз имкониятларни, комбинацияларни ўзида акс эттирувчи тинимсиз, ҳар дақиқада ўзгариб турувчи ижтимоий ҳодиса бўлса, ёзув узоқ вақт ва узоқ масофага ҳеч ўзгармасдан етиб боради. Тилнинг моддий ифодаси ёзувдир. Ёки бошқача қилиб айтсак, тил бирламчи бўлса, ёзув иккиламчидир. Тилни бутун бир жамият яратса, ёзувни эса маълум кишиларгина кашф қилган. Шу сабаб тил бутун бир халқ номи билан, ёзув баъзан бир шахс номи билан (масалан: Хатти Бобурий, кириллица ва бошқалар) аталади. Ёзув инсоният томонидан қилинган ижод маҳсулидир. Инсоният кўплаб ихтироларни барпо қилган бўлса-да, ёзув бу кашфиётларнинг энг буюғидир. Ёзув ва тилнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини қиёслаш билангина, ёзувнинг нақадар зарур ва керак эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунончи:

Биринчидан, тил мукамал ва бенуқсон ҳодиса. Ғализ жумлалар нутқдагина содир бўлади. Ёзув жуда нуқсонли. Ёзувда айтмоқчи бўлган фикримизнинг бир қисмигина юзага чиқади, холос. Ёзувда, барча фикрни тўлиқ ифодалашнинг иложи йўқ.

Иккинчидан, дунёда кўплаб алифболар, ёзув турлари бўлса ҳам, уларнинг бирортаси ҳам мукамал эмас. Тил ижтимоий ҳодиса бўлиб, товуш томонидан табиий, нутқ жиҳатидан индивидуал. Ёзув бутунлай сунъий ҳодиса.

Учинчидан, ўз тилига, она тилига эга бўлмаган халқ ҳам, одам ҳам йўқ. Аммо ҳанузгача ўз ёзувига эга бўлмаган халқлар жуда кўплаб топилади.

Тўртинчидан, тил макон ва замонда чекланган бўлса, ёзув маконда ҳам замонда ҳам чекланмаган.

Бешинчидан, тилни алмаштириб бўлмайди, ўнлаб янги тилларни ўрганиш мумкин, аммо алифбони алмаштирса бўлади.

Олтинчидан, тил ихчамликни соддаликни ёқтиради. Шу сабаб ҳамиша тилдаги сўз, нутқ, фикр ихчамликка, қисқарувга

интилади. Ёзув ҳам мураккабликни ёқтирмайди. Ёзганда ва ўқиганда содда, осон, ихчам ва қулай бўлишни талаб этади.

Еттинчидан, агар ёзув бўлмаганда эди, тараққиёт жуда ибтидоий ҳолатда қолган бўлар эди. Негаки, буюк кашфиётларнинг барчаси: атомдан тортиб электр токигача, машиналардан тортиб интернетгача қилинган ихтиролар ёзув билангина амалга оширилди. Ёзув туфайли билим, ҳаётий тажриба кейинги авлодларга етиб келади. Янги авлод ўтган аждодларнинг ишини янгидан бошламай, балки уни давом эттиради. Яъни, тайёр тажрибага эга бўлиб бораверади.

Саккизинчидан, товушлар турли хил тилда турлича бўлиши мумкин, аммо бир белгига турли тилда турлича товушни кўрсатишни юкласак бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганимизда, алфавит дастлаб қайси тил учун яратилган бўлса, фақат шу тилга хизмат қилади ёки шу тилники деб тушуниш мутлақо нотўғри. Бугун биз жадал суръатлар билан ривожланаётган интернет, уяли алоқа каби техникаси ривож топиб бораётган тезкор замонда яшайпмиз. Мана шу тараққиёт келажакда дунёдаги барча халқлар битта ёзувдан фойдаланишини тақозо этади ва шунга эришади. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари, ривожланган ғарб давлатларининг деярли барчаси лотин алифбосидаги ёзувни асос қилиб олган. Шу жиҳатдан қараганимизда ҳам лотин алифбосини қабул қилиш энг маъқул йўл. Лотин алифбоси келажакда барча халқларнинг миллий ёзувларига асос бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Қайси халқ алфавитини олишимиздан қатъи назар, ўзбек тилига хос бўлган, ўзбек тили жозибасини, нафосатини, ширадорлигини юзага олиб чиқадиган специфик ҳарфларни киритиб, тил билан ёзув орасидаги фарқни камайтиришга эришса бўлади. Тилда бор товуш учун ҳарф қабул қилиш, тилда йўқ бўлган товушлар учун ҳарф олмаслик керак. Негаки, бизнинг ўзбек адабий тилимизда 9 та, шеваларда 15 тагача унли борлиги кузатилса-да, уларни 6 та ҳарф билан беришимиз, сингармонизм ҳолатининг йўқолиши бугунги кун тилшунослигининг заиф нуқталаридан биридир.

Лотин алифбосига ўтишимиз жаҳон коммуникация тизимига киришимизга катта имконият яратди. Компьютерда Lotun, lotran тизими яратилди. Бу тизим кирилл алифбосида ёзилган ўзбек сўзларини, матнларни лотин ёзувига асосланган алифбодаги шаклига автоматик тарзда ўтказди. Бу 70 йил мобайнида рус графикасида ёзилган ишларни янги алифбога ўтказишнинг қулай йўлларида биридир.

Ҳар бир ҳарфнинг имлосига амал қилиш жуда зурур. Қадимда чиройли ёзадиган кишилар подшоларнинг ҳурмат эътиборида бўлиб, хаттотлик касб даражасига эга бўлган бўлса, бугунги кунда ёзув санъат даражасига кўтарилди. Инсон табиатини ўрганган психологлар ҳар бир кишининг ёзувига қараб характер хусусиятини тўғри айтиб бера оляпти. Биз комилликка, гўзалликка даъвогар эканмиз, ҳуснихатимиз ҳам гўзал, равон ва дона –дона бўлиб туриши керак. Шу жиҳатдан ҳам ушбу қўлланма ҳар бир ўқувчининг имло қоидаларига мос ва чиройли ёзиш санъатини эгаллашига беминнат ёрдамлашади.

Ушбу қўлланманинг қўлёзмаси билан танишиб, қимматли фикр-мулоҳазаларини айтиб китоб бўлиб чиқишига ўз ҳиссаларини қўшган устозларим профессорлар Б.Ўринбоев, Н.Турниёзов ва доцент Н. Бегалиевларга қайноқ миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини ҳар бир ўқувчига тўлиқ ва мукамал етказиб бериш мақсадида айнан келтирдик. Бизнинг фикр ва мулоҳазаларимиз изоҳ ва топшириқлар тарзида берилди. Барча ҳарфларни ўрганиб бўлгач, ифодали ўқиш ва кирилл алифбосидаги матнларни лотин алифбосига афдариб ёзиш мақсадида маърифий матнлар ҳам берилди. Матнларнинг манбалари қавс ичида кўрсатилди. Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган 38 соатлик амалий ўқув машғулотга мўлжаллаб ёзилди.

## ЎЗБЕК ХАЛҚИ ФОЙДАЛАНГАН ЁЗУВЛАР

Тил нутқ орқали ривожланади, ёзув орқали ифодаланади. Ёзувнинг пайдо бўлишига жуда кўплаб нарса ва ҳодисалар сабаб бўлган. Шу сабаб ҳам инсоният тарихидаги улкан қадамлардан бири ёзув кашф этилган. Ёзув тил учун ёрдамчи восита сифатида пайдо бўлди.

Ҳаётимиз давомида тўпланган гоё ва тажрибани ёзувсиз авлодларга етказиш жуда қийин ва катта йўқотиш орқали маълум фоизлардагина амалга оширилади. Бунинг учун тинимсиз такрор қилиб туриш шарт бўлар эди бироқ оғзаки нутқ кўп меҳнат талаб этади. Ёзув эса замон ва макон занжирини улоқтириб минглаб йилларга етиб боради ва келажакка муайян тарзда мурожаат қилиш имконини беради. Шу сабабли ҳам халқ оғзаки ижодида вариантлилиқ кенг тарқалган. Биргина севимли достонимиз «Алпомиш» 40 хил ижро этилган. Ёки бошқача қилиб айтмоқчи бўлсак, психологлар бир воқеани 6 киши бир-бирига сўзлаб бериш орқали маъно буткул ўзгариб кетишини тажрибада синаб кўрганлар. Ёзув мана шуларга йўл қўймайди, фикрни ўзгартмасдан бошқа бировларга етказиб беришга имкон беради. Ёзув борлиги учун ҳам қадим даврларда яратилган Урхун-Энасой тош битикларидан тортиб – Широқ, Тўмарис афсоналаригача, Лутфий, Навоий, Фурқатдан тортиб – Усмон Носир, Фафур Фулом, Абдували Қутбиддингача бўлган шоирларимиз асарларини ўқиб биз ҳозиргача ҳайратланамиз.

Ўзбек халқи кўп жабр кўрган. А.Македонский Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг, барча асарларни тўплатиб (булар ичида «Авесто», «Тўмарис», «Широқ» афсоналари ҳам бор эди) баъзи бир қисминигина лотин тилига таржима қилдириб бошқа қисмини ёқтириб юборган. Шу сабаб халқ ёзувга ишонмай қолиб, оғзаки нутқ ва ёдлаш орқали гоёларни авлоддан - авлодга етказиб берган. Шунинг учун ҳам халқ донолиги саналган фольклор ўзбек халқи орасида кенг ривожланган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб нашр эттирсак, 40 томлик китоб бўлиши ҳам фикрларимизни

асослайди. Бунчалик бой меърос бошқа бирорта халқда учрамайди.

Халқимизнинг ўтмишидаги ёзувлари ҳақида гап борганда, 20 дан ортиқ ёзув ҳақида гапиришга тўғри келади. Негаки, юртимизнинг турли жойларидан топилаётган археологик топилмалардаги ёзувлар мана шуларни тақозо этади. Бу ёзувлар қуйидагилардир:

1. Финикия (Канъон) юрти Сомий констант ёзуви (милоддан аввалги XIII асрдан - эрамизнинг I минг йиллик бошига қадар)
2. Оромий (милоддан аввалги I минг йилликда финикий ёзувидан ажраб чиққан, бу ёзув X-IX асрларда мослаштирилган).
3. Суғдий (милоддан аввалги IV асрдан - милодий XI асрларгача).
4. Хоразмий (милоддан аввалги I асрдан - IV асргача).
5. Паҳлавий (милоддан аввалги I асрда Парфия давлатида шаклланган).
6. Бохтарий (милоддан аввалги IV-III асрларда Бақтрия давлатида шаклланган).
7. Кхорашти (Юнон) (эрамиздан олдинги III-I асрлар).
8. Монавий (III аср).
9. Сурёний (IV аср).
10. Брахма (IV аср).
11. Эфталит (V-VI асрлар).
12. Урхун (V-VIII асрлар).
13. Уйғур (IV-XVI асрлар).
14. Араб (VII-XX асрнинг 1929 йилигача).
15. Лотин (1929-1940 май).
16. Кирилл (1940-2010 сентябр).
17. Лотин (1993-2010 йиллардан бошлаб).

Умумий ҳолда энг қадимги ёзувларимизга эътибор бериб кейинги ёзувга таққослаб қараганимизда, дастлабки ёзувларимиз жуда мураккаб бўлиб, вақт ўтиши билан улар

ихчамлашиб, сода, ёзишга қулай бўлган вариантларга алмашганлигининг гувоҳи бўламиз.

Баъзи адабиётларда биринчи ёзув шартли равишда нарса-буюм ёзуви деб эътироф этилади. Фикрни далиллаш учун бир нечта мисоллар келтирилади. Ёзув бўлмаган вақтларда нарсаларга семиотик тизим сифатида маъно берилиб алоқа қилинган. Бизнингча, бу ёзув эмас. Маънолар тил ичида яратилади. Бу дегани сўзлар (ёзувлар) билан ифодаланадиган объектлар билан эмас. Ф.Соссюр сўзларнинг маъноси турдош тушунчалар ўртасидаги тафовутлардан келиб чиқишини тўғри таъкидлаган.

Тилдаги нарсалар орқали семиотик фарқлаш тизими ҳозир ҳам бор. Маънони нутқ ёки қоғоздаги белги-ёзувлардан ташқари, бошқа предметлар ўртасида систематик тарзда ажратиш мумкин бўлган ҳар қандай объект ҳам бериши мумкин. Масалан, ўзбеклар орасида, хонадонга қиз сўраб совчилар келишса розичилик истаги бўлсагина, тугунчасини очишади. Ёки хонадонга меҳмон келганда ош-палов сузилса, турунг деган маънони англатади. Бугунги кунда, айниқса, шаҳарларда дўппи кийиб юрсангиз, тинчликми? - деб сўрашади. Тилдаги маъно ва ёзувни бир-биридан кўплаб жиҳатлари билан фарқлаб, бугунги кун ўқувчилари теран тушиниб олиши лозим.

Бизнингча, дастлаб пиктографик ёзувлар кашф қилинган. Бу сўз лотинча ва грекча сўз қўшимчаларидан тузилган бўлиб, чизиб ёзаман деган маънони англатади. Пиктограммалар орқали керакли фикрлар тарқоқ ҳолда ифода этилган. Бу ёзувда сўзнинг грамматик шакллари мавҳум бўлиб сўзни турлича жойлаштириб ўқиш мумкин бўлган. Шу жиҳатдан бу ёзувни мантиқий ёзув деб тушунсак ҳам бўлади. Чунки чизилган расмлар мувофиқлигига қараб, инсоннинг ўзи бир-бири билан боғлиқ сўзлар асосида мантиқий фикр юритиб гаплар тузиши керак бўлган. Бир гап, сўз тартибини алмаштириш ўқиш, урғуни турли сўзга бериш асосида турли хил маъно келтириб чиқарар эди. Санаб ўтган бу хусусиятлар пиктографик ёзувнинг мураккаблигидан ва камчилигидан далолат беради.



Шунингдек, бу ёзувнинг кейинги ривожланган барча ёзувлардан қулай ва устунлик жиҳатлари ҳам бор. Шу сабаб ҳам пиктографик ёзувдан бугунги кунгача фойдаланамиз. Масалан: йўл четидаги белгилар ёки бутун дунёни забт этган машҳур «Кока-кола» фирмаси ишлаб чиқараётган салқин ичимлик сувлари этикеткасидаги мўъжазгина қути ва унга бир одамнинг бўш идишни солаётганини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бу расм-ёзувни, кимёвий усулда пластинкалардан тайёрланган сув идишлари бир марта ишлатилишга мўлжалланган, қайта сув ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлатиш соғлиқ учун зиён, бўшагач ташлаш керак деб ўқиш керак. Агар шу фикр сўзлар билан ёзилиши керак бўлса, биринчидан, кўп жойни эгаллайди, иккинчидан, қанча, халқ истеъмол қилса шунча тилга таржима қилиб ёзишни тақозо этади. Кичик этикеткага кўп тилларда ёзишнинг имкони йўқ даражададир. Булар пиктографик ёзувнинг қулайлигини ва турли тилларда гаплашувчи одамларнинг тушунаверишини кўрсатади, таржимага ва таржимонга ҳожат қолмайди.

Пиктографик ёзув тараққиёти асосида логографик ёки идеографик ёзув пайдо бўлди. Бунда тилдаги ҳар бир сўз ўз рамзий символига эга бўлади. Логограммалар бу ёзувнинг бирлигини ташкил этади. Пиктограмма тўғридан-тўғри предметни расм орқали кўрсатса, логограмма эса сўзнинг маъносини тушунча орқали ифодалайди. Иероглифик ёзув логографик ёзувнинг ривожланган мукамал кўринишидир. Иероглиф сўзи грекча «муқаддас ёзув» деган сўздан олингандир. Бизнинг қадимий аجدодларимиз бу ёзувдан фойдаланишган. Негаки, олтой тиллари оиласига кирувчи бизга қардош бўлган япон халқи бўғин, корейс халқи фонографик, хитой халқи иероглифик ёзувлардан ҳали ҳанузгача фойдаланиб келмоқдалар. Кейинчалик Озарбайжонда пайдо бўлган тасаввуф таълимотида ёзувларни илоҳийлаштириб, муқаддас ёзув деб қараган. Аллоҳ к,н ҳарфларини пайдо қилгач, кун сўзи ва бутун оламдаги ёруғлик пайдо бўлди деб тушунишган. Бошқа нарсаларни ҳам шундай

шарҳлаган. Масалан, қадимги давлатчилигимиздаги герблар ва ўзбек халқи 92 та уруғининг рамзий тамгалари логографик ёзувни эслатади. Тамгалар туркий халқларнинг деярли барчасида бўлган.

Логографик ёзувда барча тушунчаларни ифодалаш қийин эди. Иероглифда эса алфавит тушунчаси пайдо бўла бошлади. Ҳар бир мавҳум тушунча ва воқеа ҳодиса, нарса учун янги белгилар қабул қилавериш натижасида, иероглифлар сони 40-50 мингтагача етиб борган. Буни ўрганиш жуда катта вақтни талаб этар эди. Юқоридаги (пиктографик, логографик ва иероглифик) ёзувлар маълум қатлам кишиларигагина мўлжаллаб яратилган, уларга хизмат қилган. Кейинги тараққиёт натижасида ёзувга талаб кучайиши туфайли оммавийлаштириш жараёни юз берган. Кенг халққа тушунарли бўлиши учун ёзувлар товушни ифодалаши, ихчам, содда, қулай, оддий, осон, ёзганда қўл узилмаслиги, ўқиётганда бири-биридан фарқлаш учун айрим ўзига хос белгилар каби жиҳатлар бўлиши керак. Ёзувларни оммавийлаштириш сабабли ёзувлар бу талабларга жавоб бермай қолади.

Шунинг учун бўлса керакки, жуда мураккаб ёзувларни соддалаштириш эҳтиёжи туфайли фонографик ёзув пайдо бўлган. Сўзни товуш орқали идрок қилиш, ҳар бир эшитилаётган товушга алоҳида белги (ҳарф) қабул қилиш истаги фонографик ёзувни юзага келтирган. Демак, тилда минглаб сўзлар бор бўлиб, уларни маълум товушлар билан ифода этиш эҳтиёжи, ёзувнинг соддалаштирилишини тақозо қилган.

Милоддан аввалги VI-IV асрлардаёқ Турон заминнинг турли ўлкалари маҳаллий тилларига уларнинг ҳар бир товуш системасига мустақил ҳолда мослашган, сифат жиҳатидан мутлақо янги –суғдий, хоразмий, паҳлавий, бахтарий каби ёзувларнинг шаклланганлиги бизнинг ёзма маданиятимизнинг нақадар узоқ даврларга бориб тақалишидан далолат беради. Ёки карандаш (кара+даш) сўзининг этимологияси ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мана шу ёзувлар ичида суғд ёзуви ёдгорликлари кенг миқёсда ва узоқ вақт истеъмолда бўлганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Суғд ёзувлари орасида ёши 2000 йилга борган намуналар бор.

Қоғозга битилган ва бизгача етиб келган суғдча матнларнинг энг қадимийси IV аср бошларига мансуб бўлиб, фанда «Эски мактублар» деб ном олгандир. Бу мактублар 1906 йили инглизларнинг А. Стейн бошлиқ экспедицияси томонидан Уйғуристоннинг Дунхуан деган еридан топилган.

Суғд ёзма ёдгорликларнинг энг сўнгиси Талас дарёси водийсидаги қоя тошлар сиртига X-XI асрнинг биринчи чорагида битилган ташрифномалардир. Бу ёзув оромий ёзуви асосида пайдо бўлганлиги боис, оромий ёзувига ўхшайди. II асрнинг охири ва III асрнинг бошларида Хоразм ёзуви хўжалик ҳисобот хужжатлари, тангалардаги ёзувлар, қабрларга ўрнатилган ҳайкаллар ва бошқа жойларда учрайди.

V-VIII асрлар давомида туркий халқлар Урхун -Энасой (баъзи манбаларда дулбаржин, руник, тош ёзуви деб ҳам юритилади) ёзувидан кенг фойдаланган. Бу ёзувда туркий тилда бир қанча ёзма обидалар битилган. Бу ёзувлар тош, пиширилган лой, металл, тери ёғоч, қоғоз ва бошқа материалларга ёзилган. Кенг ҳудудда қўлланганлиги боис ёзма ёдгорликлар Лена, Олтой дарёлари бўйларидан, Мўғулистон, Марказий Осиёдан, Сибирнинг барча жойларидан топилган.

Бу ёзувларнинг «тош битиклари» деб аталишининг боиси кўп ёдгорликлар қабр тошларига ўйиб ёзилганидир. Сибир картасини чизаётган рус олими Семён Ремезов Урхун ва Талас дарёлари соҳилида номаълум ёзувда битилган қабр тошларини учратган ва дастлабки хабарни берган. Бундан кейин 1730 йилда Сибирга сургун қилинган швед офицери Филипп Иоганн Страленберг Энасой дарёси бўйида номаълум алфавит билан ёзилган қабр тошларига дуч келади. Швецияга бориб бу ёзувнинг жадвалини нашр эттириб бутун Европага маълум қилади. Аммо 150 йил давомида ҳеч ким ўқий олмайди. Бу вақтда турли хил халқлар бу ёзувга бизнинг қадимий ёзувимиз деб нисбат берган.

1893 йилда ёдгорликларни биринчи бўлиб даниялик олим Вильгелм Томсен ўқишга мушарраф бўлади. У туркий тиллардаги сўзда баъзи бир товушларнинг икки марта қўлланиш ёки қўлланмаслик ўринларини аниқлаб, уни ёдгорликка таққослаб кўрди. Шунингдек, ёдгорлик ўнгдан чапга, юқоридан пастга қараб ўқилишига ойдинлик киритди. Шу йили рус олими В.Радлов ҳам барча ҳарфларни ўқиди. Шундан кейин уларни ҳар тарафлама чуқур ўрганиш бошланди.

Қадимги туркий тилнинг рун ёзувида битилган обидаларини ўқиш, турли тилларга таржима қилиш ва нашр этишда В. Радлов, В. Томсен, С. Малов, Ҳ. Ўркун, Т. Текин, Д. Россе, А. Стейн, А. Қажумов, И. Стеблева, Ф. Абдурахмонов, А. Рустамов ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Бу ёдгорликлар дунёнинг кўплаб давлатларида сақланаяпти. 8 та унли 4 та белги билан, 29 та ундош қаттиқ ва юмшоқ шаклида ифодаланган. Урхун-Энасой ёзуви туркий халқлар кашф қилган алифбо эканлиги билан бошқа алифболардан фарқланади.

745 йилда турк ҳоқонлигининг шарқий қисмини уйғурлар босиб олган. Шундан сўнг туркий халқларда уйғур алфавити қўлланган. Бу алфавит туркий халқлар орасида XVI асргача анча кенг ишлатилган. Уйғур ёзуви рун ёзуви билан ҳам узок вақт параллел қўлланган.

Бу ёзувда баъзи ҳарфлар унлини ўрни билан ундош товушни кўрсатган. Шу сабаб жами 19 та график белги, 5 та унли ва 16 та ундош товушни ифодалаган. Бу ёзувни чуқур ўрганиб кенг ўқувчилар оммасига етказишда ҳорижий туркологлар В.В. Радлов, Г. Вамбери, С.Е. Малов, В.Томсен ўзбек олимларидан М. Исмоқов, Н. Раҳмонов, Қ.Содиқов ва бошқаларнинг хизматлари беқиёсдир.

VII-VIII асрларда Туронзамин ерларини араблар босиб олади. Улар бу ерга ислом динини ва араб ёзувини олиб кирдилар. Эски дин ва ёзувни йўқ қилиш учун кўп курашлар олиб боради. Ҳатто ёзувни қабул қилдиргандан кейин, тилни ҳам араблаштириш учун кураш олиб борган. Шу сабаб кўплаб

асарлар араб ва форс тилида ёзилган. Араб графикаси асосидаги ҳарфлар туркий халқлар ўртасида ўн тўрт аср мобайнида қўлланилиб келинди. Бизнинг бой меъросимиз араб алифбосида ифодаланган. Шундай экан кейинги даврда нима учун араб алифбосидан воз кечдик?- қабилдаги саволлар туғилиши табиий. Бунинг бир нечта сабаблари бор.

Биринчидан, араб графикаси жуда мураккаб бўлиб, дастхат учун яратилган эди.

Иккинчидан, ўрганиш ғоят қийин ва чалкашлик жиҳатлари бор эди.

Учинчидан, араб графикасига асосланган ўзбек алифбосидаги ҳарфлар унли фонемаларни етарли акс эттирмас эди.

Тўртинчидан, араб графикасидаги ҳар бир ҳарф сўзнинг тўрт жойида тўрт хил ёзилиши натижасида 124 та ҳарф бўлиб, буларни ўрганиш қийинчилик туғдириб босмаҳоналарда ҳарф кассаларига ва ёзув машинкаларига жойлаштириш ноқулай ва мураккаб эди.

Бешинчидан, араб алифбосида фақат араб тилининг ўзигагина хос бўлган айн, зо, то, дод, сод, зал, ҳа, са ҳарфлари бор эди. Ўзбеклар бу ҳарфларни талаффуз қилишда қийналар ва хатога йўл қўяр эди. Ҳарфлар шу тилда бор бўлган товушларни кўрсатиши керак.

Олтинчидан, унли ва ундош фонемаларнинг белгилари ҳар доим ҳам аниқ ажраб турмас эди. Шу сабаб бир сўзни турли хил қилиб ўқиш мумкин эди. Масалан; алиф, вов, йо ҳарфлари баъзан унли, баъзан ундошни англатар эди.

Еттинчидан, араб алифбоси имлосида тиниш белгисининг қўйилиши, бош ҳарфлар имлоси, ҳарфларни ҳарф бирикмалари орқали ифодалаш, ҳарфларнинг ост ва уст қисмига нуқталар қўйиш билан фарқлаш ҳолатлари мавҳумлик, қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

Саккизинчидан, алифбони алмаштириш узоқ вақтни ва катта маблағни талаб қилувчи мураккаб иш. Аммо рус графикаси негизида тоталитар тузум мамлакатида ягона ёзув системасини вужудга келтириш жуда муҳим эди. Рус алфавити

белгилари доирасидан четга чиқмай ҳарфларни бирлаштириш мамлакат иқтисодига жуда катта фойда келтирар эди. Бир нарсани ҳар бир қардош халқ учун алоҳида, яъни ўз алфавитда босиб чиқариш катта маблағ, меҳнат талаб этар эди. Бундан ташқари, туркий тилларда ёзилган мақола ёки китобни айрим туркий тилда иш юритувчи республиканинг ўзидагина босиб чиқариш мумкин бўлган. Чунки ўша пайтдаги барча халқларнинг ҳарфлари «Известия» газетаси босмаҳонасидан бошқа бирорта ҳам типография кассасида тўла топилмаган.

Тўққизинчидан эса, араб алифбоси асосидаги миллий ёзувимизда узоқ вақт, яъни ўн тўрт аср иш юритсак ҳам, бу ёзув асли зўрма-зўракорлик, босқинчилик сиёсати орқали киритилган эди.

Мана шу каби санаб ўтилган хусусиятлар ўтган асрнинг биринчи чорагидаёқ араб алифбосидан воз кечиш шартини маънавий инқилобнинг асосий масалаларидан бирига айлантириб қўйган эди. Ўша вақт матбуотида берилган фикрларга қараганда, алифбони ислоҳ қилиш осон кечмаган ва илмий жамоатчилик орасида катта тортишувларга сабаб бўлган.

Ўқимишли кишилар, олимларнинг бир қисми араб алифбосига асосланган ёзув ва имлога ўзгартишлар киритишни маъқул деб топган бўлсалар, иккинчи қисм зиёлилар араб алифбосига умуман тегинмасликни талаб қилганлар. Учинчи туркум олимлар араб алифбосига анча ўзгартишлар киритиш, шулардан араб тилигагина хос бўлган товушларни йўқ қилиш, шунингдек, имло қоидаларини ҳам бирмунча ўзгартиш кераклигини кун тартибига қўйганлар. Тўртинчи гуруҳ зиёлилар алифбога кирмай қолган ўзбек тили фонемаларига ҳарфлар олишга тарафдор бўлсалар-да, араб тили товушларигагина хос бўлган ҳарфларни ҳам сақлаб қолишни хоҳлаганлар. Буларнинг ҳеч қайсисига қўшилмасдан лотин алифбосига ўтиш тарафдорлари ҳам бор эди. Биринчи бўлиб лотин алифбосини ёқлаб чиққан зиёлилар (ўша вақт таъбири билан айтганда), «лотинчилар» шоир Боту ва адабиётшунос олим Сайид Али Усманийлар эди. Шу асосда қисқа вақт ичида

араб графикасидан воз кечиб лотин алифбосига ўтилди. 1929 йил май ойида Самарқандда чақирилган Ўзбекистон имло ва терминология конференцияси лотин графикаси асосидаги, 24 та ундош ва 9 та унли ҳарфдан иборат ўзбек алифбосини тасдиқлади. Атиги 11 йилдан сўнг эса 1938-1940 йилларда лотин алифбосини рус графикаси асосидаги янги алифбо билан алмаштирдик.

Конференция ўзбек адабий тилини сингармонизмли шеваларга асослашни зарур топганидан алифбодаги унли ҳарфларни 9 та қилиб белгилаган эди. 1934 йили январда Тошкентда қайтадан имло қурултойи чақирилиб, алифбо ва имло қоидалари бошқатдан кўрилди, уларга бир қанча ўзгаришлар киритилди. Унли ҳарфлар 5 тага қисқартирилди.

ЎзССР Олий Кенгаши ўзининг 1940 йил 8 майдаги сессиясида «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитдан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига кўчириш ҳақида қонун» қабул қилди. Бу алфавитни ака-ука Кирилл ва Мефодийлар словян алифбоси асосида кашф қилган. Шу сабаб ҳам бу ёзувни кашфиётчилар номи билан атаб кириллица деб юритамиз. Янги ўзбек алифбоси қуйидагича эди: А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж, З, И, Й, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т, У, Ф, Х, Ц, Ч, Ш, Ў, Ъ, Э, Ю, Я, Ў, Қ, Ғ, Ҳ, апостроф (‘). Кейинчалик апостроф олиб ташланди. Апострофнинг вазифаси ҳам айириш белгисига юклатилди. Бу алифбога асосланган имло қоидалари ҳам ишлаб чиқилди.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ги қонунни қабул қилди. Бунда янги алифбо 31 ҳарф ва тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат этиб белгиланди. Бу алифбо бўйича кириллча «ш» ҳарфини «ş», «ч» ҳарфини «ç» тарзида ёзиш керак эди. Бизга яхши маълумки, бундай ҳарфлар компьютернинг жаҳон стандартларига мос келмас эди. Шу сабаб компьютерда бор бўлган белгилар (ўтиш ва апостроф) киритилди. Бу белгилар орқали О‘, Ғ‘ ҳарфларини ифодалашда, шунингдек ь,ъ белгилари маъно фарқи s, h ҳарфини ажратиш каби ҳолатларда фойдаланадиган

бўлдик. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 6 майда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ги Қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорга асосан лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 ҳарф 3 ҳарф бирикмаси ва 1 апострофдан иборат деб ўзгартирилди. Компьютерда йўқ бўлган Ş, Ğ белгилари sh, ch каби бор бўлган ҳарф бирикмалари билан ифодаланиладиган бўлди. Шу асосда мукамал имло қоидалари ҳам ишлаб чиқилди. 1993 йилдан бошлаб 2010 йилга қадар янги алифбога ўтиш режалаштирилган. Яъни 2010 йилдан бошлаб тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш мўлжалланяпти. Янги алифбони ўрганиш кўпчиликнинг ўз зиммасига юклатилган.



## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ УНЛИЛАР ИМЛОСИ

1. А а ҳарфи:

1) *aka, alanga, aloqa, og‘a; sentabr, noyabr* каби сўзларда олд қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *bahor, zamon; savol, gavda; vasvasa* каби сўзларнинг олдинги бўғинида, *vaqt, vahm* каби сўзларда а айтилади ва ёзилади.

**Изоҳ:** ўзбек кирилл алифбоси ва ўзбек лотин алифбосидаги «а» ҳарфининг босма, ёзма, бош, кичик шакллари бир хил. Улар бир хил товушни кўрсатишга хизмат қилади. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

А А

а а

А А

а а

а а а


2. О о ҳарфи:

1) *ona, omon, quyosh, fido, baho, xola, lotin; mukofot, mahorat* каби сўзларда орқа қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *boks, poyezd, tonna, talon; agronom, mikrofon; director, termos* каби ўзлашма сўзлардаги унлини ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** ток, тонна, опера каби ўзлашма сўзларда ў айтилса ҳам о билан ёзилади. Ҳар икки алифбода ҳам 4 хил шакли айнан ўхшаш ва бир хил товушни ифодалайди. Бу ҳарфнинг

имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.



### 3. I i ҳарфи:

1) *ish, iz, qil, xirmon, ilxom, ikki, ixtisos, shoyi, tulki; volida, piramida; bilan, biroq, sira, qishloq, chiroq* каби сўзларда олд қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *o'tin, o'rik, bo'lim* каби олдинги бўғинида о' унлиси келадиган сўзларнинг кейинги бўғинида i айтилади ва ёзилади.

**Изоҳ:** ўзбек кирилл алифбосида и ҳарфи билан кўрсатилган товуш ўзбек лотин алифбосида «I» ҳарфи билан берилади. Бу ҳарф кирилл алифбосида йўқ бўлган янги белги билан ифодаланади. «I» – ёзилиши жуда осон ҳарфлардан бири: i аломати устига нуқта қўйиш кифоя: *iltimos, iroda* каби. Бу ҳарф *пировард, сира, кийик, билан, бил, қиз, бироқ, тила, сина, синади, сила, силади, зиғир, зиғирдай, чиниққан, билади, қитиқ* каби сўзлардаги ютилиб кетган қисқа орқа қатор «i» ни кўрсатади. Бу сўзларда «и» ни ёзсак ҳам ўқимаймиз ёки қисқа ўқиймиз. Хорижлик ўзбек тилини ўрганувчилар талаффузда хатога йўл қўяди. Агар ёзмасак бл, қз, қтқ каби сўзлар унлисиз қолиб кетади. Бизга маълумки бўғин, сўз ҳеч қачон унлисиз бўлмайди. Али, икки, инсон каби сўзларда чўзиқ олд қатор «и» ни ифодалайди. Бу ҳарф ҳар иккала унли товушни кўрсатиши



5. О' о' ҳарфи *o't, o'q, o'zbek, o'simlik, do'ppi; bo'tako'z, zemizo't, gulko'ra, noo'rin* каби сўзларда орқа қатор ўрта кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Ўзбек кирилл алифбосида бор бўлган о ҳарфи устига белги қўйиб о' ҳосил қилинади. Босма шаклига ўтиш белгиси, ёзма шаклига эса чизиқча қўйиш кифоя. Кейинги ҳарфга қўшиб ёзиш учун ўзида имконият йўқ. Имлоси тугаган жойдан қайириб илгак чиқариб кейинги ҳарфга улаймиз. Бу ҳарфни ёзиш учун кўникма ҳаммада бор. Ўт, (майса, олов) маъноларида орқа кенг унли, ўт (ҳаракат, одам органи) маъноларида олд қатор тор унлини ифодалайди. Ҳар иккала унлини ҳам бир хил о' ҳарфи билан ёзиш қоидалаштирилди. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

О'О'О' О'  
 о'о'о' о' о' о' о'  
 Õ  
 õ

6. Е е ҳарфи *ekin, esla, evara, ekran, eksport; kel, zehn; kecha, behi; telefon, teatr; poyezd, atelye; e'lon, ne'mat, she'r* каби сўзларда олд қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Е ҳарфи ҳар икки алифбода ҳам бир хил лекин вазифасида фарқ бор: ўзбек кирилл алифбосида икки вазифали бўлса (1) й+э 2) э), ўзбек лотин алифбосида бир вазифали, барча ўринларда «э» товушини кўрсатади: ег (кириллда эр), уег (кириллда ер), deraza (кириллда дераза). Шу сабаб кириллдаги е ҳарфига эҳтиёж қолмади. Ёзиш жуда осон ва бизда кўникма бор. Бу ҳарфни кейинги ҳарфга қўшиб ёзиш учун ўзида имконият бор. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

ЕЕ

е  
Е  
е  
е е е е е е е е е

7. Ёнма-ён келадиган унлилар имлоси: 1) унлилар орасига баъзан у ундоши кўшиб айтилса ҳам, ёзилмайди:

- а) ia: *material, milliard, radiator; tabiat, shariat* каби;
- б) io: *biologiya, million, stadion, radio* каби;
- в) ai: *mozaika, ukrain, said, maishat* каби;
- г) oi: *alkaloid, ellipsoid, doim, shoir, oila* каби;
- д) ea: *teatr, okean, laureat* каби;

2) ae, oe унлилари сўз ичида келганда иккинчи унли у айтилса ҳам, аслига мувофиқ е ёзилади: *aerostat, poema* каби.

Бошқа ҳолларда ёнма-ён келган унлилар одатда айнан ай-тилади ва ёзилади: *manfaat, aorta, kauchuk, saodat, burjua, shuaro, inshoot, sanoat, vakuum, muammo, matbuot, tabiiy, rioya* ва бошқалар.

## УНДОШЛАР ИМЛОСИ

8. В в ҳарфи:

1) *bobo, bahor, bir, majbur, zarb* каби сўзларда жарангли портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *kitob, yuzlab, kelib* каби сўзлар охирида р айтилса ҳам, в ёзилади.

3) *qibla, tobla* каби сўзларда баъзан v айтилса ҳам, в ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарф кирилл алифбосида в (вагон) товушини кўрсатса, лотин алифбосида b (Ботир) товушини кўрсатади. Имлосида кўл узилмайди, кейинги ҳарфга улаш учун тайёр имконият йўқ, шу сабаб тугаган жойидан қайириб илгак чиқариб кейинги ҳарфга улаймиз. Бу ҳарф янги бўлмагани

учун ёзиш учун бизда кўникма бор. Имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

V V

v v

V V

v v

v v v v v v v

9. P p ҳарфи *пахта, pichoq, opa, teta, tup, yop* каби сўзларда жарангсиз портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарф ҳам янги белги эмас. Иккала алифбода ҳам бор бўлса-да, бошқа-бошқа товушларни ифодалайди. Кирилл алифбосида p (расм сўзининг бошидаги p товуш) ни, лотин алифбосида p (пахта сўзи бошидаги p товуш) ни ифодалайди. Бу ҳарфни ёзиш учун кўникмамиз бор бўлиб, ўрганиш учун кўшимча меҳнат талаб қилинмайди. Имлосида узилиш йўқ, кичигида кейинги ҳарфга улаш имконияти ўзида бор. Каттасида эса, илгакчани қайириб кейинги ҳарфга улаймиз. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

P P

p p

P P

p p

p p p p p

10. V v ҳарфи:

1) ov, suv, *kuyov, ovoz, savol; volida, vatan* каби сўзларда овоздор сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *avtobus, avtomat* каби ўзлашма сўзларда *v* баъзан *f* айтилса ҳам, *v* ёзилади.

**Изоҳ:** *V* ҳарфи бошқа бирорта ҳарфга ўхшамайди. Кирилл алифбосида йўқ. Бу ҳарфни ёзиш чап учидан бошланиб, ўнг учида тугайди: *Vakolat* (кириллда ваколат), *vazir* (вазир) каби кирилл алфавитида 3–ўринда, лотин алфавити бўйича 21-ўринда жойлашган. Тугаш жойидан илгак қайириб кейинги ҳарфга туташтирамиз. Имлосида қўл узилмайди. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

V  
v  
V  
V V V  
V  
V V V

11. F f ҳарфи:

1) *fan, fe'l, futbol, fizika; asfalt, juft; insof, isrof* каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *fasl, fayz, Fotima, fursat* каби сўзларда *f* товуши баъзан *p* айтилса ҳам аслига мувофиқ *f* ёзилади.

**Изоҳ:** Кирилл алифбосига нисбатан бу янги ҳарф. *F* ҳарфи гўё *j* ҳарфининг тескари қилиб ёзган ҳолатига ўхшайди. (*j-f*), фақат *j* ҳарфи устидаги нуқта ташланиб, «белбоғ» боғланади: *fikr* (кириллча фикр), *filolog* (кириллча филолог), *faravon* (кириллча фаровон) каби. Кичигини белбоғи орқали, каттасини тугаган жойидан қайириш орқали кейинги ҳарфга

боғлаймиз. Кичигини ёзаётганда қўл узилмайди. Каттасининг имлосида эса қўл икки марта узилиши ва қайта ҳаракат орқали «белбоғ» ва «шапка» ёзилади. Ф билан бошланадиган бирорта ҳам ўзбекча сўз йўқ, шу сабаб бу ҳарф ўзбек тилига араб ва русча байналмилал сўзлари орқали кириб келган товушни ифодалаш учун ишлатилади. Каттаси тўлиқ сатр устида, кичигининг ярми сатр пастига туширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

F  
 f  
 F  
 f

12. М м ҳарфи *моу, tuborak, tomon, ilhom* каби сўзларда овоздор лаб-лаб бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарфнинг бош ҳарфи ҳар икки алифбода бир товушни ифодалайди. Кичик м эса (кириллда темир сўзи бош ҳарфини) лотин алифбосида (*mehr* сўзи бош ҳарфини) ифодалайди. Имлосида қўл узилмайди, кейинги ҳарфга қўшиш имконияти ўзида бор. Олдинги ҳарфга қўшиб ёзиш имконияти ўзида йўқ. Бу ҳарфнинг катта ва кичик шаклини ёзиш кўникмасига эгамиз. Яъни бу ҳарфни ўрганишимиз ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

M  
 m  
 M  
 m  
 m m m



13. D d ҳарфи:

1) *dala, odat, bunyod, modda, jiddiy* каби сўзларда тил олди жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) *obod, savod, marvarid; zavod, pud, sud; badqovoq, badxo'r* каби сўзларда т айтилса ҳам, d ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарфнинг каттаси ҳар икки алифбода бир хил. Кичигининг ўхшаши кирилл алифбосида йўқ. Имлосида қўл узилмайди, кичигини кейинги ҳарфга улаш учун ўзида имконият бор бўлса ҳам, олдинги ҳарфга улаш учун ўзида имконият йўқ. Ёзишда умуман қўл узилмайди. Каттасини кейинги ҳарфга улашда тугаган жойдан қайириб илгак ҳосил қиламиз. Бу ҳарфнинг кириллча кичик шакли, лотинча (gul) сўзидаги бош ҳарфни кўрсатади. Бошқача қилиб айтганимизда, ака-ука Кирилл ва Мефодийлар лотин алифбоси асосида янги алифбони яратаётганда д ҳарфининг катта шаклини айнан ўзгартирмасдан олиб, кичик шаклини лотинча (gul) сўзидаги кичик ҳарфга олган. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

D D

d d

D D

d d

d d d d d

14. T t ҳарфи:

1) *tong, tun; butun, o'tin,-o't, kut* каби сўзларда тил олди жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Босма катта шакли кирилл алифбосидагидек. Ёзма катта шакли кирилл алифбосидаги г ҳарфининг катта ёзма шаклига ўхшайди. Кирилл алифбосида бу ҳарфнинг катта ёзма

шаклини ёзиш учун қўл тўрт марта узилиб олинса, янги алифбо бўйича бир марта узилади, холос. Кичик шакли ўзига хос бўлиб, кирилл алифбоси учун янги, яъни ўхшаши йўқ. Бу ҳарф учи сатр устига чиқариб ёзиладиган | аломатидан ва унинг ўртасидан юқорироққа қўйиладиган чизикча белбоғдан иборат: *turmush, tut, turfa* каби. Олдинги ва кейинги ҳарфга туташтириш учун ўзида имконият мавжуд. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

T  
 t  
 T  
 t

t

15. Z z ҳарфи:

- 1) *zar, zamon, toza, o‘zbek; yoz, g‘oz* каби сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;
- 2) *iztirob, isquvar, bo‘zchi, tuzsiz* каби сўзларда жарангсиз ундошдан олдин s айтилса ҳам, z ёзилади.

**Изоҳ:** бу ҳарф кирилл алифбосида учрамайди. Кичик ва каттаси фақат шаклда фарқ қилади. Имлосида қўл узилмайди. Олдинги ва кейинги ҳарфга қўшилиб ёзиш учун ўзида қулайлик мавжуд: *zafar, mirzo, mazza* каби. Каттаси тўлиқ сатр устида, кичигининг ярми сатр пастига туширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

Z  
 z  
 Z

Z Z

Z Z Z Z Z

16. S s ҳарфи *sogʻ, somon, oson, asos, olmos* каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Кирилл алифбосидаги ҳарфларга умуман ўхшамайди. Бош ва кичик ҳарфи ёзилиши фақат шаклда фақланади. Имлосида қўл узилмайди. Олдинги ва кейинги ҳарфларга туташтириш учун ўзида имконият йўқ, тугалланма пастки қисмини қайтариш орқали кейинги ҳарфга боғлаймиз. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

S S

s s

S S

S S

S S S S S S S S S S S

Эслатма: Кирилл алифбосидаги ц ҳарфи янги лотин алифбосида сўз бошида, сўзнинг ўртасида ундошдан кейин келса s ҳарфи билан ёзилади. Агар сўзнинг ўртасида унлидан кейин келса ts ҳарфлари билан ёзилади. Янги алифбода ц ҳарфи берилмади. Чунки биронта ҳам ўзбекча сўзда бу ҳарф учрамайди. Бу ҳарф рус тили ва рус тили орқали кириб келган байналмилал сўзлардагина учрайди. Масалан: *litsey, militsiya, konsert, sement, kvars* каби.

17. Sh sh ҳарфлар бирикмаси *shahar, shisha, shodlik, ishq, pishiq; bosh, tosh* каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи

ундошни ифодалаш учун ёзилади. Sh харфлари икки товушни ифодаласа, улар орасига тутуқ, белгиси қўйилади: *Is'hoq, as'hob* каби.

**Изоҳ:** Кирилл алифбосида бир белги билан ифодаланар эди. Латин алифбосида эса иккита ҳарфнинг қўшилишидан s ва h ҳарф бирикмаси ташкил қилиб битта товушни ифодалаймиз. Бу икки белги ҳам алоҳида ҳолда бошқа товушларни ифодалайди. Мабода сўзда бу икки товуш бир жойда келса, улар орасига тутуқ белгиси (') қўйилади: *mas'hab, is'hoq* каби. Бўғинга ажратишда ҳам sh ҳарфий бирикмани алоҳида ажратмаймиз. Имлосида қўл узилмайди. Олдинги ҳарфга улаш учун ўзида имконият йўқ бўлса-да, кейинги ҳарфга улаш учун ўзида тайёр қулайлик бор. Бош ҳарфини ёзганда ҳарф бирикмасининг биринчи қисми катта, иккинчи қисми кичик ҳарф билан ёзилади: *Shoira, Shahrisabz*, каби. Аммо матбуотда сарлавҳалар ва кўча-кўйда реклама, шиорларнинг барча ҳарфлари бош ҳарф билан ёзилиши мумкин: *SHON-SHARAF* каби. Қўринадик, бундай пайтда иккинчи қисмини ҳам бош ҳарф билан ёзиш зарур. Чунки, *ShON-ShARAF* шаклда ёзсак, ҳарфлар ўртасидаги мувозанат йўқолиб, шаклида хунук ҳолат пайдо бўлади. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh

sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh

Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh Sh

sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh sh

sh sh sh sh

18. J j ҳарфи:

1) *jon, jahon, juda, tijorat, rivoj, vaj* каби сўзларда тил олди жарангли қоришиқ ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) *jurnal, projektor; gijda, ajdar, tiraj* каби ўзлашма сўзларда тил олди жарангли сиргалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарф иккита товушни ифодалайди. j ҳарфи икки аломатли: J шакли устига нуқта қўйиб ҳосил қилинади. Ёзаётганда нуқта қўйиш учун қўл узилади: *jahon, jiyan, jiuda* каби. Кичигини ёзаётганда тенг ярми чизиқдан пастга туширилади. Каттаси эса тўлиқ чизиқнинг устида ёзилади. Олдинги ва кейинги ҳарфга улаш учун ўзида имконият бор: *jiguli, juda, ajnaviy* каби. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

JJJ

jj

JJ

JJ

jj

19. **CH** ch ҳарфлар бирикмаси *choy, chevar, chiroyli, chaman; achchiq, uchun, bichiqchi; kuch, kech* каби сўзларда тил олди жарангсиз қоришиқ ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Ўзбек тилининг баъзи товушларига лотин алифбосида ҳарф йўқлиги сабабли, ғарб тилларида қабул қилинган усулга асосан ҳарф бирикмаси орқали ифодаланадиган бўлди. Ch ҳарф бирикмасининг биринчи ҳарфи лотин алифбосида учрамайди, имлосида қўл узилмайди, ўзидан олдинги ҳарфга туташтиришнинг ўзида имконияти бўлмаса ҳам, кейинги ҳарф боғлаш учун ўзида имконият мавжуд: *Chinor, chinoz, Charos, achchiq, ichmoq* каби. Бош ҳарф билан ёзганда фақат биринчи қисмини катта ҳарф билан ёзамиз. Аммо худди CH, NG каби сирасига катта ҳарф билан ёзганда ҳар икки ҳарф катта ёзилади: *CHINOZ, CHIN* каби. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch  
ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch

Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch Ch  
ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch ch

ch ch

20 R г ҳарфи *rahmat, rohat, orom, doira, bor, diyor* каби сўзларда тил олди овоздор титроқ ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарфнинг кичик ёзма шаклидан ташқариси кирилл алифбосида учрамайди. Яъни янги ўрганадиган 11 та ҳарфнинг биттаси кичик г ёзма шакли кирилл алифбосида чой сўзидаги биринчи товушни ифодалар эди. Имлосида қўл узилмайди, олдинги ва кейинги ҳарфга туташтиришнинг ўзида имконияти мавжуд. Тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

R R

r r

R R

r r

r r r r

21. L l ҳарфи *lola, loyiq, la'l, iloj, mahal* каби сўзларда сирғалувчи овоздор ён ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** L ҳарфининг бошланиш қисми сатр устига чиқариб ёзилади, ҳарфни тугалловчи тикроқ чизик эса қатор пастига тушмай ўнгга илгакча қилиб қайрилади: *Lola, lalmi, sol* каби.

бу ҳарфнинг катта ва кичик шаклларида ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфга туташтириш учун тайёр қулайлик бор. Имлосида қўл узилмайди ва тўлиқ сатр устида амалга оширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

LLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLL  
 ll  
 LLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLLL  
 ll

## 22. N n ҳарфи:

1) *non, nomus; ona, tana; bilan, tomon* каби сўзларда тил олди овоздор бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *shanba, yonbosh, jonbozlik; yonma-yon, ko‘rinmaslik* каби сўзларда n товуши баъзан m айтилса ҳам, n ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарфнинг катта шакли кирилл алифбосида учрамаса-да, кичик шакли пахта сўзидаги биринчи товушни ифодалайди. Катта шакли кириллча тесқари И ҳарфига ўхшайди. Ўзидан олдинги ҳарфга улаш учун ўзида имконият бўлмаса-да, кейинги ҳарфга туташтириш учун қулайлик мавжуд. Имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади ва қўл узилмайди. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

NNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNN  
 nnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnn  
 NNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNNN  
 nnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnnn  
 nnn

23. G g ҳарфи *gul, go‘zal, ega, gugurt; teg, eg* каби сўзларда тил орқа жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарфнинг босма шакллари кирилл алифбоси учун янги. Ёзма шаклининг кичик ҳарфи кириллча дўст сўзидаги биринчи товушни кўрсатади. Имлосида қўл узилмайди, олдинги ҳарфга улаш учун ўзида имконият бор. Каттаси тўлиқ сатр устида, кичигининг ярми сатр пастига туширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

G G

g g

G G

g g

g g g g g g

24. K k ҳарфи *ko‘l, ko‘ylak; uka, moki; tok, bilak* каби сўзларда тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарф ҳар икки алифбода ёзилиши ва ўқилиши бир хил. Фақатгина кичик шаклининг кўринишида ( $k=k$ ,  $k=k$ ) озгина фарқ бор. Олдинги ҳарфга улаш учун ўзида имконият бор. Бу ҳарфнинг имлоси тўлиқ сатр устида амалга оширилади ва бир марта қўл узилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

K K

k k

K K



k k

k k

25. У у ҳарфи *yo‘l, yigit, yet, yaxshi, yoz, yulduz, tuya, dunyo, tayyor, soy, tuy* каби сўзларда тил ўрта сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** У ҳарфи ўзбек кирилл алифбосида улуғ сўзидаги иккала унлини ҳам кўрсатса, янги алифбода *yigit* сўзи бошидаги ундош товушни кўрсатади. Ёзма шакли икки алифбода айнан ёзилса-да, босма ҳарфининг каттаси (У=У) бир оз фарқли ёзилади. Бу ҳарфнинг кичигида олдинги ва кейинги сўзга улаш учун ўзида имконият мавжуд. Каттасининг тугаган жойидан қайириб кейинги ҳарфга туташтирамиз. Имлосида қўл узилмайди. Янги лотин алифбосига ўтишимиз билан ярим унли ёки графема деб юритиб келаётган *e, ё, ю, я* ҳарфларига талаб қолмади. Бу ҳарфлар товушни икки хил қилиб ёзишга имкон берар ва имлодаги турлиликни (Йўлдошев-Юлдошев, Ёрқин-Йорқин каби) келтириб чиқарарди. Бу ҳарфлар, бир ҳарфдан иборат бўлиб икки товушни кўрсатишга: *ю-йу, я-яа, ё-ёо, е-йэ* каби хизмат қилар эди. Ҳолбуки бу ҳарфлар кўрсатган ҳар икки товуш, алоҳида-алоҳида ҳолда ҳар икки алифбода ҳарф сифатида учрайди. Бундан ташқари, рус тили ва рус тили орқали четдан кириб келган ўзлашма сўзларда ўзидан олдин келган юмшоқ ундошни кўрсатишга ҳам хизмат қилган. Сўзда юмшоқ ундош бўлганда й ҳарфига ҳожат қолмайди. Фақатгина ҳарфнинг кейинги қисмидаги унлининг бўлиши етарли: *sentabr, yubilar, kalkulator, luks, zachot* каби. Янги алифбомизнинг имлоси бўйича мана бу ҳолат ҳам тартибга туширилди. Яъни ҳарфдан кириб келган сўзларда бирикмалардан олдин юмшоқ ундошлари келса *u, e, a, o* каби унлининг ўзи ёзилиши кифоя. Агар қаттиқ ундошдан кейин келса *yu, ye, yo, ya* ҳолида ёзилиши керак. Мисолларни қиёсланг ва давом эттиринг:

Юмшоқ ундошдан	Қаттиқ ундошдан кейин
----------------	-----------------------



бирикмасы ҳам ko‘ngil, singil каби қабул қилинди. Олдинги ва кейинги ҳарфга туташтириш учун ўзида имконият бор. Имлосида кўл узилмайди. Бу ҳарф бирикмаси, бошқа ҳарфлардан фарқли ўларок, ҳеч қачон сўз бошида келмайди. Шундай бўлса ҳам, бу ҳарфнинг бош ҳарфи йўқ деб бўлмайди. Sh, ch каби сарлавҳаларда, реклама ва шиорларда ҳамма ҳарфлар бошдан-оёқ катта ҳарф билан ёзилганда ng ҳарф бирикмаси ҳам бош ҳарф билан ёзилади: UZDUNROBITA – ENG ISHONCHLI HAMKOR каби. Бўғин кўчириш пайтида ng ҳарф бирикмаси алоҳида – алоҳида қисмларга бўлинмайди: ko‘-ngil, si-ngil, tang-ri каби. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG

ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng

NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG NG

ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng ng

ng ng

27. Q q ҳарфи *qisil, qimiz, qirq, haqiqiy, aql* каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Ҳар икки алифбода ҳам тартиб жиҳатдан охирги қаторларда турувчи q ҳарфи ўзбек тилига хос бўлган, бошқа баъзи тилларга учрамайдиган товушни кўрсатади. Q ҳарфи кирилл алифбоси учун янги белги ҳисобланади. Бу ҳарфни o ҳарфи таг қисмига илгак белгисини қўйиш билан ҳосил қиламиз. Q ҳарфи янги алифбодаги d ҳарфининг тескарисига (d-q) (g-q) ҳарфига ҳам ўхшайди: Qarshi, qachon, qizil каби. Олдинги ҳарфга қўйиш учун ўзида имконият йўқ бўлса-да бу нарса кейинги ҳарфга боғлаш учун бор. Бу ҳарфнинг имлосида

қўл узилмайди. Думчаси сатр пастига тушириб ёзилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

Q  
q  
Q Q

Q

q  
q q q q

28. G' g' ҳарфи *g'oz, bag'ir, tog'* каби сўзларда чуқур тил орқа жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу товушнинг талаффузи лотинча *gul* сўзи бошидаги товушга яқинлигидан келиб чиқиб, ҳар икки алифбода ҳам каттаси G ҳарфига ўхшаш қилиб белги қабул қилинган (Г-г; G-G') каби g ҳарфининг юқори ўнг томонига ўтиш белгиси, ёзма шакли устига чизиқча қўйиш билан ҳосил қилинади. Имлосида бир марта қўл узилса-да, кейинги ҳарфга туташтириш учун ўзида имконият мавжуд. Бу ҳарф ўзбек тилигагина хос бўлган специфик белгини кўрсатиши туфайли, компьютерда ўзбекча шрифтлардагина учрайди. Бу ҳарф алифбомиздаги белги кўшиб ҳосил қилинадиган иккита ҳарфнинг биттасидир. Каттаси тўлиқ сатр устида, кичигининг ярми сатр пастига туширилади. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

G' G'G' G'G' G'G' G'G' G'G' G'G' G'G' G'G' G'G' G'G'  
g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g' g'g'  
Ǧ  
ǧ ǧ

29. X x ҳарфи *xabar, xo'roz, xohish, xushnud, baxt, axborot, mix* каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** Бу ҳарф ҳар икки алифбода ҳам катта ва кичик, босма ва ёзма шаклларда бир хил ёзиладиган 9 та ҳарфнинг биттаси ҳисобланади. Бу ҳарф тўлиқ қатор устида амалга оширилади. Имлосида бир марта узилиш бўлса-да, олдинги ва кейинги ҳарфларга туташтириш учун ўзида имконият мавжуд: хона (кириллда хона), охиr (кириллда охир) каби. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

X X

x x

X X

X X

X X

30. H h ҳарфи *hozil, hamma, bahor; isloh, nikoh* каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундошини ифодалаш учун ёзилади.

**Изоҳ:** H ҳарфининг каттаси ўзбек кирилл алифбосидаги Нўмон, Наманган каби сўзлар бошидаги H ҳарфини ифодаласа, ўзбек лотин алифбосида Hamza, hamon сўзларидаги H товушини кўрсатади. Кичиги ўзбек лотин алифбосидаги h ҳарфига ўхшайди. фақатгина ҳарфнинг бошланишидаги тўғри чизиқ баландга чиқариб чўзиқ ёзилади: h – h каби. Имлосида қўл узилмайди, сатр устида ёзилади. Олд ва орқа томондаги ҳарфга бирлаштириш учун ҳарфнинг ўзида қулайлик мавжуд. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

H H

h h

Н Н

h h

h

31. Ёнма-ён келадиган ундошларнинг имлоси:

1) *baland, Samarqand, poyezd; do'st, artist, g'isht* каби сўзларда d, t товуши баъзан айтилмасаму ҳам, ёзилади;

2) *metall, kilogramm, kilovatt, kongress* каби ўзлашма сўзлар охирида бир ундош айтилсаму ҳам, икки ҳарф ёзилади. Лекин бундай сўзга худди шу товуш билан бошланадиган қисм қўшилсаму, сўз охиридаги бир ҳарф ёзилмайди: *metall+lar=metallar, kilogramm+mi=kilogrammi* каби. Чиройли ёзишни машқ қилинг.

32. -тутуқ белгиси:

1) *a'lo, ba'zan, ma'yus, ta'zim; ra'yu, ta'b; e'lon, e'tibor, e'tiqot, me'mor, ne'mat, she'r, fe'l; Nu'mon, shu'la* каби ўзлашма сўзларда унлидан кейин шу унли товушнинг чўзиқроқ, айтилишини ифодалаш учун қўйилади; *mo'jiza, mo'tadil, mo'tabor* каби сўзларда о' унлиси чўзиқроқ айтилсаму ҳам, тутуқ белгиси қўйилмайди;

2) *in'om, san'at, qat'iy, mas'ul* каби ўзлашма сўзларда унлидан олдин шу унли олдинги ундош товушдан ажратиб айтилишини ифодалаш учун қўйилади.

**Изоҳ:** Апостроф (тутуқ белгиси) ўзбек ёзувини араб графикасидан лотин алфавитига кўчириш муносабати билан кенг миқёсда қўлланила бошлаган эди. Апостроф кирилл алифбосидаги ь (айириш) ва ь (юмшатиш) белгилари каби ҳеч қандай фонемани кўрсатмайди. Унли товушнинг юмшоқлиги ютилиб кетган ёки иккиланган унли, катта ва кичик тўхталишларни ёзувда фарқлаш учун ҳам бу белги муҳимдир. Кириллда айириш белгиси билан ёзиладиган барча сўзлар араб тилидан ўтган ўзлашма сўзлардир. Араб тилида айн ва ҳамза билан ёзиладиган сўзлар ўқилишида ўзига хос тўхтами мавжуд

бўлган. Бу ҳолат ҳарфнинг табиатида мавжуд. Биз араб ёзувидан кечганимиздан сўнг айн ва ҳамза билан ёзиладиган сўзлар ўрнида тутуқ белгиси қўлланила бошлаган. Ҳамза ва айнга нисбатан апострофнинг ишлатилиш доираси тор ва чеклангандир. Бу ҳақда 1929 йилги имло қоидаларининг 24 – моддасида шундай дейилган: «Тутуқ (апостроф) арабнинг худди ҳамзаси ёки айнни ўрнигагина олинган деб тушиниш тўғри келмайди. Арабча сўзларда унли товушларга ютилиб кетганда: Абдилла, Муаллим, амал каби ҳамза ёки айн бизнинг тилда йўқолиб кетадиган ўринларда: масала каби тутуқ ёзилмайди».

Кўринадигани тутуқ белгисига нисбатан эски араб алфавитида айн ва ҳамзанинг ишлатилиш доираси анча кенг бўлган. Араб алифбосида ҳатто сўз бошида, одат, одил, оқибат, олий, олим каби сўзларда о унлисидан олдин, адолат, аваз, адоват, ажаб, асал каби сўзларда а унлиси ўрнида ибрат, иллат, ишрат, ибора, илова, иборат каби сўзларда и унлиси ўрнида узр, урф, умр, умум каби сўзларда у ўрнида айн ишлатилган. Шунингдек, оила, оид каби сўзларнинг бошида айн сўз ўртасида и унлисининг ўрнида эса, ҳамза ёзилган. Бундан ташқари, сўз ўртасида маориф, маош, саноат, кифоят каби сўзларда а ва о ҳамда о ва а унлилари орасида; маишат, Наима, доира, қоида, Ноила каби сўзларда а ва о ҳамда и унлилари орасида ҳам айн қўлланиларди.

Тўғри, юқорида келтирилган барча мисоллар талаффузида қисқа тўхталиш сезилса-да, бу ўринларда тутуқ белгисини ишлатишга эҳтиёж сезилмайди. Му’аллим эмас муаллим, ма’ориф эмас маориф, о’дил эмас одил, му’омала эмас муомала бўлса ҳам, аммо бу ўринларда ҳақиқатан ҳам қисқа тутилиш, айириш, тўхталиш борлигини ҳисобга олишимиз албатта зарур.

Катта тўхталиш бўлган жойлардагина апостроф қўйиладиган бўлди. Араб графикасидан, лотин графикасига ўтган вақтдаги биринчи муаммоли масала шу бўлган бўлса, ёзувни рус графикаси асосидаги алфавитга кўчирилгандан кейин апостроф ва айириш, юмшатиш белгиларининг

ишлатилиш ўринларини белгилаш диққатга сазовор бўлган, иккинчи муаммоли масалалардан бири бўлиб қолди. 1940 йилдаги кирилл алифбосига тутуқ белгиси билан бирга айириш, юмшатиш белгиси ҳам киритилган эди. 1950 йилларга келиб, тутуқ белгисининг вазифаси кутилгандан ҳам ортиқ даражада кенгайиб кетган: сўз ўртасида унли ва ундош орасида ҳамда сўз охирида айн ва ҳамза ўрнида тутуқ белгисининг ишлатилиши билан бирга ёлашган унлиларни ўзларидан олдинги ундошлардан ажратиш учун ҳам тутуқ белгиси қўлланганлиги кўринади. Масалага тўғри ёндашадиган бўлсак, аслида, имлода тутуқ белгисининг уч хил вазифаси бор: Маъно айириш (ман'-ман, сур'ат-сурат, та'на-тана), сўзнинг тўғри талаффуз этилишини таъминлаш (ан'ана, мас'ул) ва бўғин айириш (дар'ё, дун'ё каби). Айириш белгисига аслида маъно айириш вазифаси юкланган эмас. Маъно айириш вазифаси юмшатиш белгисига юкланган (судья-судья, угол-уголь каби). Руслар охири ёлашган унлилар билан тугаган сўзларни: Сирдарья, Амударья каби юмшатиш белгиси билан, ўша пайтдаги бизнинг имломиз бўйича: дар'ё, дун'ё, гирь'я, ҳад'я каби сўзлар тутуқ белгиси билан ёзилган, чунки юмшатиш белгиси ўзбек тили характериға хос эмас. Ҳақиқатан ҳам бу сўзлар талаффузида ёлашган унли ҳар доим битта тўхталиб, тутилиб айтилади. Шунингдек, одамлар тутуқ белгиси ва айириш белгиси бошқа-бошқа нарса эканлигини, ҳар иккала белги ҳам ўз табиати ва характериға эга эканлигини қабул қилолмайди. Баъзан айириш белгиси қўйилиши сезилиб турган сўзларда тутуқ белгисини ишлатганлар. Апострофнинг табиатиға қисқа тутилиш хос бўлса, айириш белгиси катта тўхталишни ифодалаш билан бир-биридан кескин фарқланган. Халқ мана шу фарқни теран англаб етмагани учун ўша пайтдаги имло қоидалари проектининг 31- ва 32-параграфларида айириш белгисининг ишлатилиш доирасини кенгайтириш лозим топилган ва тутуқ белгиси ўрнида ҳам айириш белгисини қўллаш тавсия этилгандир. Бу бугунги ёзувимизға ҳам таъсир қилган ўша вақтдаги катта тарихий хатодир.



Янги имломиз бўйича тутуқ белгиси кичик ҳарф баландлигида қўйилади. Олд ва орқа томонидан ҳарфлар бирига боғланмайди, бир ҳарф катталигида очиқ қолдирилади.

Топшириқ: Қуйидаги сўзлардан қайси бирларида тутуқ белгиси қўйилади? Тутуқ белгисини қўйинг ва кўчириб ёзинг. Sentabr, daryo, muallim, muallif, jurat, mano, alo, davo, rano, saodat, ibrat, hayot, oila, juziy, menyu, muomala, talat.

### АСОС ВА ҚЎШИМЧАЛАР ИМЛОСИ

33. Қўшимча қўшилиши билан сўз охиридаги унли ўзгаради:

1) а унлиси билан тугаган феълларга -v, -q, -qi қўшимчаси қўшилганда а унлиси о айтилади ва шундай ёзилади: *sayla - saylov, sina - sinov, aya - ayovsiz; so'ra - so'roq, bo'ya - boy'oq, o'yna - o'ynoqi, sayra - sayroqi* каби;

2) і унлиси билан тугаган кўпчилик феълларга -v, -q қўшимчаси қўшилганда бу унли и айтилади ва шундай ёзилади: *o'qi - o'qivchi, qazi - qazuvchi, sovi - sovuq* каби. Лекин і унлиси билан тугаган айрим феълларга q қўшимчаси қўшилганда бу унли і айтилади ва шундай ёзилади: *og'ri - og'riq, qavi - qaviq* каби.

#### ЭСЛАТМА:

1) Ундош билан тугаган барча феълларга -uv қўшилади: *ol - oluv, yoz - yozuv* каби;

2) ундош билан тугаб, таркибида и унлиси бор феълга -uq қўшилади: *uz - uzuq, yut - yutuq* каби. Лекин *uyushiq, burushlq, uchuriq* (шунингдек, *bulduriq*) каби сўзларнинг учинчи бўғинида і айтилади ва шундай ёзилади.

34. k, q ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга, шунингдек, *bek, yoq* каби айрим бир бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда k ундоши q ундошига, q ундоши g' ундошига айланади ва шундай ёзилади: *tilak - tilaging, yurak - yuraging, kubok - kubogi, bek - begi; tayoq - tayog'i, qoshiq - qoshig'i, yaxshiroq - yaxshirog'i, yo'q - yo'g'i* каби. Лекин кўп бўғинли ўзлашма сўзларга, бир бўғинли кўпчилик сўзларга

эгалик қўшимчаси қўшилганда к, қ товуши аслича айтилади ва ёзилади: *ishtirok - ishtiroki, ocherk - ocherki, erk - erki, hudud - hududim, ravnaq - ravnaqi, yuq - yuqi* каби.

35. Қуйидаги қўшимчалар қўшилиши билан сўзнинг таркибида товуш тушади ёки ортади:

1) *o‘rin, qorin, burun, o‘g‘il, bo‘yin, ko‘ngil* каби баъзи сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, *qayir, ayir* каби феълларга нисбат шаклини ясовчи - *il* қўшимчаси қўшилганда, *ikki, olti, yetti* сўзларига -**ov**, -**ala** қўшимчалари қўшилганда иккинчи бўғиндаги унли айтилмайди ва ёзилмайди: *o‘rin - o‘rnim, qorin - qornim, burun - burning, o‘g‘il - o‘g‘ling, ko‘ngil - ko‘ngli, yarim - yarmi, qayir - qayril, ulug‘ - ulg‘ay, sariq - sarg‘ay, ikki - ikkov, ikki - ikkala, yetti - yettov* каби;

2) *u, bu, shu, o‘sha* олмошларига -**da**, -**dan**, -**day**, -**dagi**, -**ga**, -**gacha**, -**cha** қўшимчалари қўшилганда **n** товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: *unda, bunday, shunda, o‘shanday* каби; *bu* олмошларга эгалик қўшимчалари қуйидагича қўшилади: *buningiz, o‘shanisi* каби;

3) *o, o‘, u, e* унлилари билан тугайдиган сўзларга эгалик қўшимчалари қуйидагича қўшилади:

а) кўпчилик сўзларга эгалик қўшимчалари -**m**, -**ng**, -**si**; -**miz**, -**ngiz**, -**si** (ёки -**lari**) шаклида товуш орттирмай қўшилади: *bobom, bobong, bobosi, bobomiz, bobongiz, bobosi (bobolari); orzum, orzung, orzumiz, orzungiz, orzusi* каби;

б) *parvo, obro‘, mavqe, mavzu, avzo* сўзларига I, II шахс эгалик қўшимчалари қўшилганда бир **u** товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: *parvoyim, parvoying, parvoyimiz, parvoyingiz; obro‘yim, obro‘ying, obro‘yimiz, obro‘yingiz* каби; III шахс эгалик қўшимчаси *parvo, avzo, obro‘, mavqe* сўзларига -**yi** шаклида, *xudo, mavzu* сўзларига эса -**si** шаклида қўшилади; *avzoyi, mavzusi* каби (*dohiy* каби **u** ундоши билан тугаган сўзга ҳам III шахсда -**si** қўшилади: *dohiysi* каби);

4) *men, sen* олмошларига -**ni**, -**ning**, -**niki** қўшимчалари қўшилганда қўшимчадаги **n** айтилмайди ва ёзилмайди: *meni, mening, meniki; seni, sening, seniki* каби.

36. Қуйидаги қўшимчаларнинг биринчи товуши икки хил айтилса ҳам, бир хил ёзилади:

1) -bon, -boz қўшимчалари баъзан -von, -voz айтилса ҳам, ҳамма вақт -bon, -boz ёзилади: *darvozabon, masxaraboz* каби. Лекин -vachcha қўшимчаси ҳамма вақт шундай айтилади ва ёзилади: *amakivachcha, xolavachcha* каби;

2) ўрин келишиги ва чиқиш келишиги қўшимчаларининг ўтган замон ясовчиси ва III шахс кўрсаткичи -di қўшимчасининг бошидаги ундош баъзан t айтилса ҳам, ҳамма вақт d ёзилади: *ishda, misdan, ketdi, ketmadi* каби.

37. Қуйидаги қўшимчаларнинг бош товуши икки ёки уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

1) таъкид сўзлардан феъл ясовчи -illa (*chirilla, taqilla*) қўшимчаси сўз таркибида v ёки u товуши бўлганда ulla айтилади ва шундай ёзилади: *shovulla, lovulla, gurulla* каби;

2) нисбат шаклини ясовчи -dir қўшимчаси жарангли ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга (kel сўзидан бошқа), шунингдек, z ундоши билан тугаган орттирма нисбат ясовчисидан кейин қўшилади: *quvdir, egdir, kuldir, yondir, o'tkazdir, tomizdir* каби. Қолган барча ҳолларда бу қўшимча -tir айтилади ва шундай ёзилади: *tiktir, kestir, uyaltir, chaqirtir* каби;

3) жўналиш келишиги қўшимчаси -ga, чегара билдирувчи -gacha, равишдош шаклини ясовчи -gach, -guncha, -gani, -gudek, сифатдош шаклини ясовчи -gan, буйруқ майлининг иккинчи шахс кўрсаткичи -gin, шунингдек -gina қўшимчаси уч хил айтилади ва шундай ёзилади;

а) к ундоши тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши к айтилади ва шундай ёзилади: *tokka, yo'lakkacha, ko'nikkach, zerikkuncha, to'kkani, kechikkudek, bukkan, ekin, kichikkina* каби;

в) q ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши q айтилади ва шундай ёзилади: *choriqqa, qishloqqacha, yoqqach, chiqquncha, chiniqqani, qo'rqqudek, achchiqqina* каби; в) қолган барча ҳолларда, сўз қандай товуш билан тугашидан ва бу қўшимчаларнинг бош товуши

к ёки қ айтилишидан қатъий назар, г ёзилади: *bargga, pedagogga, bug‘ga, og‘gan, sig‘- guncha* каби,

Топшириқ: 1. Қуйидаги сўзларга эгалик, -v,-q,-qi,-il,-ov,-ala,-la,-dan,-day,-dagi,- ga,- gacha,-cha,-ni,-ning,-niki қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг. Ўзакда юз берган ўзгаришларни оғзаки тушунтириб беринг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

Men, sen, u, bu, o‘sha, mohirlik, mushfiq, musulmonchilik, munchoq, roylamoq, puchiq, po‘stloq, po‘choq, qalpoq, qarmoq, qaratmoq, qarilik, qarsak, qatna, qayiq, qirqtirmoq, sevmοq, suzmoq, soflik, stanok, suvoq, tariq, tazyiq, tentak, bermoq, tilak, tomoq, tumshuq, ushoq, varrak, barmoq, xulq, yaktak, yalinmoq, yamoq, elak, etak, fizik, qayra, sina, sayra, singil, qayir, ikki, yeti, olti.

2. Қуйидаги сўзларга –bon,-boz,-vachcha,-di,-illa,-dir,-ga,-gacha,-guncha,-gani,-gudek,-gan,-gin,-gina қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг. Бу қўшимчалардан қайсилари икки хил ёки уч хил айтилади? Мустақил гаплар тузинг.

Kaptar, mehr, tog‘a, amma, amaki, ket, ayt, qayt, ish, qish, mis, yalt, lov, gur, bir, kul, quv, yon, tik, ek, kes, baqir, tok, ko‘nik, zerik, qiziq, ariq, qishloq, yoq, achchiq, barg, bug‘, sig‘.

## ҚЎШИБ ЁЗИШ

38. *Xona, noma, roya, bor, xush, ham, baxsh, kam, umum, rang, mijoz, sifat, talab* каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: *qabulxona, tabriknoma, taklifnoma, bedaroya, ommabor, xushxabar, hamsuhbat, orombaxsh, kamquvvat, bug‘doyrang, umumxalq, sovuqmijoz, devsifat, suvtalab* каби.

39. -(а) г (инкор шакли -mas) қўшимчаси билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: *o‘rinbosar, otboqar, cho‘lquvar, ishyoqmas, qushqo‘nmas* каби.

40. Такрор тақлид сўзларга кўшимча кўшиш билан ясалган от ва феъл кўшиб ёзилади: *pirpirak (pir-pir+ak)*, *hayhayla (hay-hay+la)*, *gijgijla (gij-gij+la)* каби.

41. Нарсани (предметни) бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли билан билдирувчи кўшма от ва кўшма сифатлар кўшиб ёзилади: *karnaygul*, *qo'ziqorin*, *otquloq*, *oybolta*, *devqomat*, *sheryurak*, *bodomqovoq*, *qirg'iyko'z* каби.

42. Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарсаси ва шу каби белгилари асосида билдирувчи кўшма отлар кўшиб ёзилади: *olaqarg'a*, *qizilishton*, *achchiqtosh*, *mingoyoq* каби.

43. Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи кўшма отлар кўшиб ёзилади: *kirsovun*, *qiymataxta*, *tokqaychi*, *oshrayhon*, *molqo'ra*, *nosqovoq*, *ko'zoynak* каби.

44. Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи кўшма отлар кўшиб ёзилади: *tog'olcha*, *cho'lyalpiz*, *suvilon*, *qashqargul* каби.

45. Маросим, афсона кабиларни билдирувчи кўшма отлар кўшиб ёзилади: *kiryuvdi*, *kelintushdi*, *qoryog'di*, *Urto'qmoq*, *Ochildasturhon* каби.

46. Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган кўшма отлар кўшиб ёзилади: *mingboshi*, *so'zboshi*, *olmaqoqi* каби.

47. Иккинчи қисми турдош от билан ёки *obod* сўзи билан ифодаланган жой номлари кўшиб ёзилади: *Yangiyo'l*, *To'rtko'l*, *Mirzaobod*, *Sirdaryo*, *Kosonsoy*, *Yangiobod*, *Xalqobod* каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: *O'rta Osiyo*, *Ko'hna Urganch*, *O'rta Chirchiq* каби.

48. Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган кўшма сўзлар

кўшиб ёзилади: *kinoteatr, radiostansiya, fotoapparat, elektrotexnika, teleko'rsatuv, yarimavtomat, bayramoldi, suvosti* каби.

49. Қисқартмаларнинг барча турлари ва уларга кўшиладиган кўшимчалар кўшиб ёзилади: *SamDU, ToshDUning* каби. Лекин ёнма-ён келган икки қисқартма ажратиб ёзилади: *O'zXDP MK (O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi markaziy kengashi)* каби.

50. Бир товуш икки ва ундан ортиқ, товуш тарзида айтилса, бундай ҳолат ҳарфни такрор ёзиш билан кўрсатилади: *yo'o'q, nima, himm, uff* каби.

Топшириқ: Қуйидаги сўзлар орасидан кўшиб ёзиладиган сўзларни топиб кўчириб ёзинг. Нима учун кўшиб ёзилишини тушунтиринг.

Ко'z oynak, oy bolta, erta pishlar, oq qush, temir yo'l, ko'rib chiqdi, ko'cha ko'y, kundan kunga, katta kichik, kattadan katta, tog' tog', kam kam, o'n yetti, sotib olmoq, osh qozon, Yangi yo'l, ot boqar, yoril tosh, kuch quvvat, ota-ona, tog' tosh, o'q ilon, tog' olcha, gul toji xo'roz, foto apparat, Sir daryo, qora qurt, oq qo'rg'on, Ming buloq, Besh ariq, beshik tervatar, O'rta Osiyo, Janubiy Amerika, Markaziy Farg'ona, Yuqori chirchiq, osma ko'prik, ish haqqi, er yong'oq, qo'l yozma, qozon yuvgich, yosh qari, oziq ovqat, o'z kitob, katta qo'rg'on, sariq yog', jomboy don, O'z dun robita, akayu-uka, elu yurt, shifo baxsh, qo'l bola, shirin so'z, bir so'zli, rahm dil, erta pishar, to'q qizil, behs qavatli, ochiq sochiq, ko'k qashqa, sohibjamal, cho'qqi saqol, bosh yalang, har bir, hech bir, alla narsa, u bu, qaysi bir, har nima, yozib qo'ya qol, o'tdi ketdi, olib chiq, oz muncha, har qachon, hech qachon, asta sekin, kecha kunduz, ruxsat noma, xush vaqt, guldura, video kamera, SamDCHTI ga, uchchi.

### ЧИЗИҚЧА БИЛАН ЁЗИШ

51. Жуфт сўз ва такрор сўз қисмлари чизикча билан ёзилади: *el-yurt, mehr-shafqat, qovun-tarvuz, omon-eson, kecha-kunduz, yozin-qishin, asta-sekin, uch-to'rt, o'n-o'n beshta (10 -*

15 ta), *bilinar-bilinmas, bordi-keldi, kuydi-pishdi, don-dun, oz-moz, mayda-chuyda, aldab-suldab, o‘ylab-netib, so‘ramay-netmay, kiyim-kechak, adi-badi, ikir-chikir, duk-duk, taq-tuq, qop-qop, ming-ming (ming-minglab), bitta-bitta (bitta-bittalab), baland-baland, chopa-chopa, ishlay-ishlay, yaqin-yaqinlargacha, hamma-hammasi, uy-uyiga, ich-ichidan* каби.

### ЭСЛАТМА:

1) жуфт сўздан қўшимча ёрдамида ясалган сўзлар ҳам чизикча билан ёзилади: *baxt-saodatli, xayr-xo‘shlashmoq* каби;

2) жуфт сўз қисмлари орасида -и (-уи) боғловчиси келса, ундан олдин чизикча қўйилади ва жуфт сўз қисмлари ажратиб ёзилади: *do‘st-u dushman (do‘st-dushman), kecha-yu kunduz (kecha-kunduz)* каби.

3) етакчи ва кўмакчи феъл бир хил шаклда бўлса, чизикча билан ёзилади: *yozdi-oldi, borasan-qo‘yasan, uxlabman-qolibman* каби.

52. Белгини кучайтирувчи *qip-qizil, yam-yashil, dum-dumaloq, kuppa-kunduzi, to‘ppa-to‘g‘ri, bab-barobar* каби сўз шакллари чизикча билан ёзилади (лекин орроқ сўзи қўшиб ёзилади).

53. Сўзнинг -та, -ба ёрдамида бирлашган қисмлари чизикча билан ёзилади: *ko‘chama-ko‘cha, uyma-uy, rang-barang, dam-badam* каби. Лекин мустақил ишлатилмайдиган қисм қатнашса, бундай сўзлар қўшиб ёзилади: *ro‘baro‘, darbadar* каби.

54. Рус тилидан айнан ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан олинган сўзлар аслига мувофиқ чизикча билан ёзилади: *unter-ofitser, kilovatt-soat* каби.

55. -chi, -а (-уа), -ku, -и (уи), -da, -е, -еу (-уеу) юкламалари чизикча билан ёзилади: *sen-chi, boraylik-chi, sen-a, kutaman-a, bola-ya, mingta-ya, keldi-ku, kelgan-u, yaxshi-yu, yaxshi-da, qo‘y-e, yashang-e, o‘g‘lim-ey, keldi-yeу* каби, аммо -mi, -оқ (-уоқ), -ов (-уов), -gina (-kina, -qina) юкламалари ўзидан олдин келган

сўзга қўшиб ёзилади: *keldimi, keliboq, o'ziyoq, ko'rganov, ko'rdiyov, mengina, qo'shiqqina* каби.

56. Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилса, - nchi қўшимчаси ўрнига чизиқча (-) қўйилади: 7- *sinf, 5-"A" sinfi, 3-, 7-, 8- sinf o'quvchilari, 60- yillar, 1991- yilning 1- sentabri* каби. Тартиб сонни кўрсатувчи рим рақамларидан кейин чизиқча ёзилмайди: *XX asr, X sinf* каби.

**Топшириқ:** Қуйидаги мисоллар орасидан чизиқча билан ёзиладиган сўзларни аниқлаб, кўчириб ёзинг. Уларнинг маъносини изоҳлаб, нима учун чизиқча билан ёзилишини тушунтиринг.

Qoramtir sariq, issiq sovuq, qozon tovoq, tarvuz qovun, usta buzarmon, xasta dil, bug`doy rang, uzun tolali, achchiq chuchuk, sarg`imtir qizg`ish, havo rang, dardi sar, tinchlik sevar, bir yarim, bir kam o`ttiz, bir yuz o`ttiz olti, besh olti, sakkiz to`qqiz, o`ttiz qirq, ikki yuz uch yuz, hech kim, hech nima, hech qanaqa, alla qanaqa, men men, u bu, shu shu, ana o`sha, ba`zi bir, biz siz, o`sha o`sha, nazar sol, umr sur, javob ber, o`tdi ketdi, bordi keldi, aytdi qo`ydi, bir lahza, eson omon, ochiq oydin, erta kech, yuzma yuz, rang barang, shundan shunga, tez tez, asta sekin, choynak piyola, el yurt, qarindosh urug`, bosh pana, kino teatr, baqa terak, bilag uzuk, gul dasta, gul ra`no, laylak qor, besh o`n, sap sariq, kara kara, darvozama darvoza, biz mi, besh a, oldi ey, aytgan ov, 14 mart 2005 yil, 1 kurs, kattaqo`rg`on yog` moy, Uz ota yo`l, Uz daevoo.

## АЖРАТИБ ЁЗИШ

57. Қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: *sarf qil, ta'sir et, tamom bo'l, sotib ol, olib kel, olib chiq, miq etma* каби.

58. Кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъл мустақил феълдан ажратиб ёзилади: *aytib ber, olib ko'r, so'rab qo'yu, ko'ra qol, bera boshla, yiqila yozdi; ketgan edi, ketgan ekan, ketgan emish* каби. Лекин мустақил феъл билан ёрдамчи феъл орасида товуш



ўзгариши бўлса, бундай қисмлар қўшиб ёзилади: *aytaver (ayta ber), boroladi (bora oladi), bilarkan (bilar ekan)* каби.

59. Кўмакчилар ажратиб ёзилади: *shu bilan, soat sayin, borgan sari, bu qadar, kun bo‘yi* каби. Лекин *bilan* кўмакчисининг *-la* шакли, *uchun* кўмакчисининг *-chun* шакли чизиқча билан ёзилади: *sen-la, sen-chun* каби.

60. *Hamma, har, hech, bir, qay, u, bu, shu, o‘sha* сўзлари ўзидан кейинги ёки олдинги сўздан ажратиб ёзилади: *hamma vaqt, har kim, hech qaysi, qay kuni, u yerda, shu yoqdan, o‘sha yoqqa* каби. Лекин *birpas, biroz, birato‘la, birvarakayiga, birmuncha, buyon* сўзлари қўшиб ёзилади. Шунингдек, *qay so‘zi* оқ, уер сўзлари билан ишлатилганда бир у товуши тушса, бу сўзлар қўшиб ёзилади: *qayoqqa, qayerda* каби.

61. Сифат олдидан келиб, белгининг ортиқ, ёки камлигини билдирадиган *to‘q, jiqqa, tim, liq, lang, och* каби сўзлар ажратиб ёзилади: *to‘q qizil, jiqqa ho‘l, tim qora, liq to‘la, lang ochiq, och sariq* каби.

62. Мураккаб сон қисмлари ажратиб ёзилади: *o‘n bir, besh yuz, qirq ming olti yuz bir, bir ming yetti yuz sakson beshinchi* каби.

63. *Yildan yilga, tomdan tomga* каби биринчи қисми чиқиш келишигида, иккинчи қисми жўналиш келишигида бўлган бирикмалар ажратиб ёзилади.

64. Белгининг ортиқ, даражасини билдирувчи *ko‘pdan ko‘p, tekindan tekin, yangidan yangi, ochiqdan ochiq, qizigandan qizidi* кабилар ажратиб ёзилади.

65. Изофали бирикмалар ажратиб ёзилади. Бунда изофа ундош билан тугаган сўзларга *i* шаклида, унли билан тугаган сўзларга *yi* шаклида қўшилади: *dardi bedavo, nuqtayi nazar, tarjimai hol* каби. Лекин изофа ёзилмайдиган сўзлар, шунингдек, қисмларидан бири ёки ҳар иккиси ўзбек тилида

мустақил ишлатилмайдиган сўзлар қўшиб ёзилади: *gulbeor* (*guli beor*), *dardisar* каби.

**Топшириқ:** Қуйидаги сўзлар орасидан ажратиб ёзиладиган кўшма сўзларни топиб кўчириб ёзинг. Қўшиб ва чизиқча билан ёзиладиган сўзларга таққосланг. Нима учун ажратиб ёзилишини тушунтиринг.

Himoya qil, javob ber, qo‘l qo‘y, yod ol, bildi oldi, yozib ko‘r, o‘qib ol, imzo qo‘y, oh ur, ola kel, alla vaqt, bir muncha, bir varakay, birpas, har zamon, har gal, hech vaqt, bir oz, bira to‘la, bu yoqdan, bir erga, uzil kesil, qishin yozin, kundan kun, unda bunda, ko‘chama ko‘cha, o‘q ilon, tog olcha, qo‘l yozma, ish haqqi, yosh qari, mosh ho‘rda, man manlik, besh otar, asal ari, badan tarbiya, a‘zoyi badan, duoi salom, akayu uka, do‘stu dushman, sabzi piyoz, yer to‘la, zina poya, umum xalq, to‘qqiz qavatli, och yalang‘och, havo rang, xasta dil, oyoq yalang, bug‘doy rang, hozir javob, ola bula, mo‘min qobil, xush chaqchaq, ilhom baxsh, keng elkali, dam g‘uli, amaliy nazariy, mehnat sevar, jurnal bop, quralay ko‘zli, yigirma o‘ttiz, o‘ttiz qirq, ikki uch, bir million, o‘n besh, ellik olti, biz siz, hech qaysi, ana u, oynai jahon, uzundan uzun, kundan kunga, g‘irt yolg‘on, ko‘cha tomon.

## БОШ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ

66. Кишининг исми, ота исми, фамилияси, тахаллуси, рамзий атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: *Dilbar, O‘rinova, Muhabbat Majidova, Azamat Shuhrat o‘g‘li, Hamza Hakimzoda, Muhammadsharif So‘fizoda, Mannon, Otaboy, Navoiy, Furqat, Yelpig‘ichxon, Salomjon Alikov* каби.

67. Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: *Andijon, Yangiyo‘l* (шаҳарлар), *Naymancha, Buloqboshi* (қишлоқлар), *Bodomzor, Chig‘atoy* (маҳаллалар), *Zavraq* (дара), *Yorqoq* (яйлов), *Qoratog‘, Pomir* (тоғлар), *Oqtepa, Uchtepa* (тепалар), *Zarafshon, Sirdaryo* (дарёлар), *Yoyilma* (канал); *Turkiya, Hindiston* (мамлакатлар) каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: *Shimoliy Kavkaz, Markaziy Qizilqum* каби.

68. Юлдуз ва сайёралар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: *Hulkar, Qavs, Mirrix* (юлдуз ва сайёралар номи), *Tinchlik dengizi* (Ойдаги рельеф номи) каби. *Yer, quyosh, ou* турдош отлари сайёра номи бўлиб келгандагина бош ҳарф билан ёзилади: *Yer Quyosh atrofida, Ou Yer atrofida aylanadi*.

69. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: "*Tong*" (меҳмонхона), "*Saodat*" (фирма), "*Navro'z*" (ҳайрия жамғармаси), "*Kamalak*" (матбаа бирлашмаси), "*G'uncha*" (боғча), "*Botanika*" (санаторий), "*Paxtakor*" (стадион), "*Qutlug' qon*" (роман), "*Dilorom*" (опера), "*Tanovar*" (куй), "*Ozodlik*" (ҳайкал), "*Jasorat*" (ёдгорлик), "*Sino*" (совутгич) каби.

70. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: *Mustaqillik kuni, Xotira kuni, Ramazon hayiti, Navro'z bayrami* каби.

71. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: *O'zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Misr Arab Respublikasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy Sudining Raisi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Jahon Tinchlik Kengashi* каби.

Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: *Bosh vazirning o'rinbosari, Mudofaa vaziri, Yozuvchilar uyushmasi, O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasi* каби.

Вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади:

*Sogʻliqni saqlash vazirligi, Fan va texnika davlat qoʻmitasi, Fanlar akademiyasi, Tilshunoslik instituti* каби.

72. Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: "*Oʻzbekiston Qahramoni*" (унвон), "*Oltin Yulduz*" (медал). Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: "*Sogʻlom avlod uchun*" (орден), "*Oʻzbekistonda xizmat koʻrsatgan fan arbobi*" (фахрий унвон), "*Matbaa aʼlochisi*" (нишон) каби.

73. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади: *Yer tagidan Muqaddasga bir qarab oldim* (О.Ёқубов).

### **ЭСЛАТМА:**

1) Кўчирма гапдан кейин келган муаллиф гапининг биринчи сўзи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан ёзилади: "*Bu men*", - *qoʻrqibgina javob berdi koʻlaga* (О.Ёқубов).

2) хатбошига гапнинг саналувчи қисмлари чиқарилганда бундай қисмлар олдидан чизиқ қўйилади ва улар кичик ҳарф билан ёзилади:

*maʼmuriy huquqbuzarlik toʻgʻrisidagi ishni koʻrishga tayyorlash vaqtida tegishli organ (mansabdor shaxs) quyidagi masalalarni:*

- *mazkur ishni koʻrib chiqish uning huquq doirasiga kirish-kirmasligini;*

- *maʼmuriy huquqbuzarlik toʻgʻrisidagi protokol va ishga oid boshqa materiallar toʻgʻri tuzilgan-tuzilmaganligini ... hal qiladi;*

3) гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар ҳам кичик ҳарф билан ёзилади:

*Hozirgi oʻzbek adabiy tilining lugʻat boyligi asosan besh manba negizida tarkib topgan:* 1) umumturkiy soʻzlar, 2) oʻzbekcha soʻzlar, 3) tojik tilidan kirgan soʻzlar, 4) arab tilidan kirgan soʻzlar, 5) rus tilidan kirgan soʻzlar ("Ўзбек тили" дарслигидан).

74. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: *AQSH (Amerika Qoʻshma Shtatlari), BMT*

*(Birlashgan Millatlar Tashkiloti), AES (atom elektr stansiyasi)* каби. Қисқартма таркибида бўғинга тенг қисм бўлса, унинг биринчи ҳарфигина бош ҳарф билан ёзилади: *ToshDTU (Tashkent davlat texnika universitetii)* каби.

**Топшириқ:** Қуйидаги сўз, сўз бирикмаси ва гаплар ичидан бош ҳарфлар имлосига зид ёзилганларини аниқланг. Кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўтказиб кўчириб ёзинг.

1. Булунғур тумани, Оқ тепа бозори, Марказий Фарғона, Қатортол, Ўрта қишлоқ. Бу ерда мен аввал ҳам бўлганман. Ёзнинг қоронғу кечалари сомониёли, етти қароқчи, чўмичли ва бошқа туркум юлдузларни завқ билан тамоша қилар эдик. Бугунги кунга келиб даракчи газетаси энг кўп тиражли газеталардан бирига айланди. 8 –Март Халқаро Хотин- қизлар ва Баҳор байрамидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Самарқанд шаҳар прокурори, Ўзбекистон қаҳрамони, СамДчти, СамДУ, ЎзДунробита.

2. Қуйидаги сўз ва бирикмаларни бош ҳарфлар имлоси асосида кўчиринг. Шу мисоллар ёрдамида бош ҳарфларнинг ишлатилишини тушунтиринг.

Қуёш, ой, олтиариқ, зарафшон, юпитер, алишер навоий номли ёшлар истироҳат боғи, қизилқум, Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институти, мирзо Улуғбек номли тошкент миллий университети, Ўзбекистон олий мажлиси раиси, Бахмал тумани.

## **КЎЧИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

75. Кўп бўғинли сўзнинг олдинги сатрга сифмай қолган қисми кейинги сатрга бўғинлаб кўчирилади: *to‘q-son, si-fatli, pax-takor, paxta-kor* каби. Тутуқ белгиси олдинги бўғинда қолдирилади: *va’-da, ma’-rifat, maslh’-al, in’-om* каби.

76. Сўзнинг бош ёки охириги бўғини бир ҳарфдан иборат бўлса, улар қуйидагича кўчирилади:

1) сўз бошидаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи олдинги сатрда қолдирилмайди: *a-badiy эмас, aba-diy, e-shikdan эмас; eshik-dan* каби.

2) Сўз охиридаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи кейинги сатрга кўчирилмайди: *mudofa-a эмас, mudo-faa, matba-a эмас, mat-baa* каби.

77. Ўзлашма сўзларнинг бўғинлари чегарасида келган икки ёки ундан ортиқ ундош қуйидагича кўчирилади:

1) Икки ундош келса, улар кейинги сатрга биргаликда кўчирилади: *dia-gramma, mono-grafiya* каби;

2) уч ундош келса, биринчи ундош олдинги сатрда қолдирилиб, қолган икки ундош кейинги сатрга кўчирилади: *silin-drik* каби.

78. Бир товушни кўрсатувчи ҳарфлар бирикмаси (sh, ch, ng) биргаликда кўчирилади: *pe-shayvon, pe-shona, mai-shat, pi-choq, bi-chiq-chi, si-ngil, de-ngiz* каби.

79. Бош ҳарфдан ёки бўғинга тенг қисм ва бош ҳарфлардан иборат қисқартмалар, шунингдек кўп хонали рақамлар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди: *AQSH, BMT, ToshDU, 16, 245, 1994, XIX* каби.

80. Ҳарфдан иборат шартли белги ўзи тегишли рақамдан ажратиб кўчирилмайди: *5- "A "sinf, V "B" guruhi, 110 gr, 15 ga, 105 m, 25 sm, 90 mm* каби.

81. Атоқли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: *"Navro‘z-92" (фестивал), "O‘qituvchi-91" (кўрик танлов), "Andijon-9", "Termiz-*

16"( *ғўза навлари*), "*Boing-767*" (*самолёт*), "*Foton-774*" (*телевизор*) каби.

82. *A. J. Jabbarov, A. D. Abduvaliyev* кабиларда исмининг ва ота исмининг биринчи ҳарфига тенг қисқартмалар фамилиядан ажратиб кўчирилмайди. Шунингдек, **v.b.** (*va boshqalar*), **sh.k.** (*shu kabilar*) сингари ҳарфий қисқартмалар ҳам олдинги сўздан ажратиб кўчирилмайди.

Топшириқ: Қуйидаги сўзларни бўғин кўчириш қоидаларига мувофиқ бўғинларга бўлиб ёзинг. Шу мисоллар ёрдамида бўғин кўчириш қоидаларини оғзаки тушунтириб беринг.

San'at, jur'at, sur'at, ota, aka, aya, matbaa, anatomiya, biologiya, ibora, amaki, ko'ngil, singil, ajab, avans, abad, ayvon, badiiy, bayon, engil, ziyo, iliq, kakao, muomala, ishchan, ekin, o'tin, kichchik, kenguru, iste'dod, iste'mol, kengash, ivimoq, etakchi, abad, AQSH, BMT, XDP, 2005, 1986, XXXVI, mexanizasiyalashtira olmaganligingizdandir, klaviatura, skauner, printer, didfragna, diskussiya, sprayt, kongress, ekspress, po'choq, uchqur, tasha, oshkadi, O'zdunrobita, diskrament, II kurs, gorizont, 306, model, 786, militsiya, litsey, ashyo, uchiga, S.N. Shodiyev.

## O'QISH UCHUN MA'RIFIY MATNLAR

## SALOM HAM FARZ, ALIK HAM FARZ

Ma'lumki, farz –bajarilishi zarur bo'lgan vazifasi, burch. Birovga salom berish uni xolis hurmat qilish demakdir. Xalqimizning odati qadimalaridan biri shuki, bolani yoshligidanoq salom berishga o'rgatadilar.

Odob yuzasidan, yoshlar o'zlaridan katta yoshdagilarga avval salom berishlari, ular alik olishlari lozim. O'zidan katta yoshdagilarni qayerda bo'lmasin, ko'rganda salom bermay, indamay o'tib ketish nihoyatda qabih ish hisoblanadi. Shuning uchun xalqimiz "Assalomu alaykum" ga –"Va alaykum assalom", "salom bermoqlik katta kichikka barobar" "Salom ham qarz alik ham qarz", "Avval assalom, bo'lmasa-vassalom" kabi maqollar yaratgan.

Inson ma'naviy boyligining ajoyib ifodasi –"Assalomu alaykum" (siz tinch-omon bo'ling), "Vaalaykum assalom" (siz ham tinch omon bo'ling), iboralari arabcha bo'lib, u tinchlik, bexatarlik, salomatlik sizga demakdir.

Assalomu alaykum kishilararo muomala –munosabatning boshi bo'lib, u suhbatga o'ziga xos iliqlik, samimiyat kiritadi. O'zidan kattalarga hurmat o'zidan kichiklarga shafqat yuzasidan salom-alik qilish kishilarning axloqiy fazilatlaridan sanaladi. Kishilarning salomlashuvlariga qarab, ularning qay darajada ilmi, madaniyatli ekanliklari bilinadi. Ikki shaxsning salomlashuvidan ularning qanchalik yaqin yoki shunchaki tanishligini ham, yomon niyatini ham anglash mumkin.

Salomlashuv jamiyat kishilarining insoniylik burchidir. Burch kategoriyasi alohida axloqiy munosabatni hosil qiladi. Yoshlarning birinchi bo'lib o'zlaridan kattalarga hurmat bilan "Assalomu alaykum" deb salomlashishlari qadim qadim zamonlardan beri davom etib kelayotgan juda katta va chuqur ma'no va mazmunga ega odatlarimizdan biri hisoblanadi. Binobarin, salomlashish bir birimizni izzat hurmat bilan kutib olishimizdir. Lekin salom –alik ham o'ziga xos qonun qoidalari bor.

Odobning alifbosi salomlashishdir. Shuning uchun xalqimiz "So'z boshi salom, ish boshi intizom", -deb bejiz aytmagan.



Salomlashuv burchiga sodiqlik yaxshi an'anaga aylanib qoladi. Masalan, kishilar biror sabab bilan salomlasha olmasa, o'zining ijtimoiy burchini bajarmay qolganligidan hijolat tortadi. "Assalomu alaykum ham qarz, ham farz" maqoli zamirida burch va an'anaga sodiqlik tushunchasi yotadi. Afsuski, ba'zilar bevosita aloqada bo'ladigan shaxslar bilangina salomlashadilar.

Xalq o'rtasida salomlashuvning ma'lum mezonlari ishlab chiqilgan. Ular quyidagilardan iborat deb hisoblaymiz.

Salomlashuvning uzoq tarixidan xabar beruvchi bu axloq qoidalari kishilar o'rtasida hozirgacha yashaydi:

1. Salomlashuvchilarning "Assalomu alaykumi" ga "Vaalaykum assalom" deb javob beriladi. Imo –ishora bilan emas balki ovoz chiqarib, samimiy ochiq chehra va muloyim ohangda salom berish talab etiladi.
2. Yoru do'stlar, aka-uka, ota –ona va yoshi ulug'larni ko'rganda salomlashish kerak.
3. Bir necha shaxslar so'zlashib turganda, jamoat joylariga borganda salom berish lozim.
4. Biror xonadonga borib kirganda, transportga chiqqanda birinchi salom berish zarur.
5. Tamosho, majlis zallari, mehmondorchilikda jam bo'lib o'tirgan kishilarga salom berish kerak.
6. O'z xonadoniga kirganda ham, chiqqanda ham salom berish lozim.
7. Transportdagi shaxslar, ot-ulovli kishilar piyodalarga, turganlar o'tirganlarga salom beradilar.

Xastalar, nogironlar, qo'lida yuki bor, ish va mutolaa bilan band, papiros va nos chekib turganlar, hammom va kazoi hojatdagilarning birinchi bo'lib salom berishlari shart emas.

Badmast va bezorilar, notanish ayollarga salom berilmaydi. O'quvchilar, talabalar ustozlariga birinchi bo'lib salom beradilar.

Kattalar salom berish odatini tarbiyalash maqsadida kichiklarga salom beradilar.

Xullas salomlashishning sharqona udumlariga amal qilaylik, chunki salom va alikning zamirida yaxshilik, beg'arazlik, insoniylik kabi

xislatlar mavjud. (B.O‘rinboyevning Imom Buxoriy saboqlari kitobidan).

## DAVLAT TILI

Jahondagi juda ko‘p milliy davlatlar o‘z davlat tiliga egadir. O‘zbekiston Respublikasining ham o‘z davlat tili bor. Bu haqda jumhuriyatimizning Asosiy Qonuni - O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasida shunday so‘zlar yozilgan: “O‘zbekiston Respublikasining davlat tili o‘zbek tilidir”.

“Davlat tili” deganda shu davlat hududida asosiy aloqa-aralashuv vositasi bo‘lgan til tushuniladi. Barcha hujjatlari davlat tilida yoziladi, yig‘inlar, anjumanlar, qurultoylar shu tilida olib boriladi. Har bir davlat o‘z davlat tilining sofligi, boyib borishini ta‘minlaydi va qo‘llanilish, iste‘mol doirasini kengaytirish uchun g‘amxo‘rlik qiladi; davlat tilini o‘rganish va o‘qitish uchun qulay shart-sharoitlar yaratib beradi. Demak, o‘zbek tili ham davlat g‘amxo‘rligidir. O‘zbekiston Respublikasining davlat tili haqidagi Qonuni 1989 yil 21 oktyabr qabul qilingan. Shuning uchun xalqimiz har yili 21 oktyabrda til bayramini o‘tkazadi. Bu kunda biz ona tilimiz haqida she‘r va qo‘shiqlar aytamiz. Tilimizning uzoq va boy tarixini o‘rganamiz, uni rivojlantirishga hissa qo‘shgan yozuvchilar, shoirlar, baxshilar olimlar xotirasini yodga olamiz.

Davlat tiliga hurmat va e‘tiborning birinchi namunasi shu tilda to‘g‘ri, chiroyli so‘zlash va yozishdir. Davlat tilining imlo va talaffuz qoidalarini Respublikamizning eng oliy hukumat tashkilotlari tasdiqlaydi va ular barcha uchun majburiydir.

O‘zbek tilida to‘g‘ri, ravon so‘zlash davlatimizning kelajagi va istiqboli bo‘lgan Siz – yoshlarning burchingizdir.

O‘zbekiston Respublikasi – ko‘pmillatli davlat. Bunda tojik, qozoq, qirg‘iz, turkman, rus, tatar kabi 60 dan ko‘proq millat va elatlarning vakillari yashaydi, ishlaydi, davlatimiz ravnaqi uchun fidokorona mehnat qiladi. Biz barcha millat va elatlarning tilini, urf-odatlarini hurmat qilamiz. Chunki Konstitutsiyamizning 4 – moddasida shunday so‘zlar yozilgan: “O‘zbekiston Respublikasi o‘z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlari va an‘analarining hurmat qilinishini ta‘minlaydi,

ularning rivoji uchun sharoit yaratadi”. (H.N’ematov va boshqalarning 6-sinf uchun ona tili darsligidan).

### **AVVAL O‘YLA, KEYIN SO‘YLA**

Insonlarning o‘zaro munosabatida so‘zlash va suhbatlashish odobi muhim o‘rin tutadi. Har bir gapni aytishdan avval obdon o‘ylash kerak bo‘ladi. Chunki “Aytmasdan burun so‘zga sen ega, aytgandan so‘ng senga so‘z ega”.

Har bir kishining jamiyatdagi o‘rni va mavqei o‘z atrofidagi kishilarga munosabati, salomlashishi, yurish –turishi, ovqatlanishi, suhbatlashish jarayonida ko‘proq namoyon bo‘ladi.

Insonning sharafi va iftixori uning qanday so‘zlashishiga bog‘liq. Aytilgan har bir so‘zingni puxta o‘ylab ayt. O‘ylamay aytilgan so‘z sharmanda qilishi, boshinga ko‘p savdo solishi mumkin. Shuning uchun ham xalqimiz: “O‘ynab gapirsang ham o‘ylab gapir” degan maqol bor.

Har bir komil inson suhbatlashish odobi qoidalariga rioya qilishi lozim. Bizningcha, bu qoidalar quyidagilardan iborat deb hisoblaymiz:

1. Suhbatlashganda suhbatdoshingizni qiziqtiradigan mavzuga e‘tiborini qaratishga intilish lozim. Bunda lutf ila yumshoqlik bilan, ochiq chehra bilan so‘zlashga odatlanish.

2. O‘zingiz haqingizda kamroq gapiring. Har qanday qiziqarli suhbatni davom ettirishga imkon bermaydigan ezma va laqmalarga ergashmang. O‘zingiz o‘qigan kitoblar, ko‘rgan kinofilmlar, sport musobaqalari go‘zal tabiat manzaralari haqida gapirishga odatlanish zarur. O‘ylab, andisha bilan so‘zlash, o‘ylamay aytilgan gap pushaymon keltirishini unutmang. “Aytilgan so‘z otilgan o‘q” maqoli kishiga so‘zlash odobini o‘rgatar ekan, jamoa orasida yohud ayrim shaxslarga biror gapni aytishdan avval uni obdon o‘ylab, atroflicha mulohaza qilib olish zarurligini uqtiradi. Chunki, kishining og‘zidan chiqqan har bir so‘z, hoh yaxshiyu yomon, hoh o‘rinli-yu hoh o‘insiz bo‘lsin, uni aslo qaytarib bo‘lmaydi. Aytilgan so‘z ayniqsa haqorat piching, kesatiq, mazax, kamsitish, tuhmat, g‘iybat, chaqmachaqarlik, maqtanchoqlik, hushomadgo‘ylik

atrofidagi kishilar tomonidan mazkur soʻz egasiga qaytariladigan javobning javobchisi boʻladi.

3. Kishilar gapirayotganda oraga gap qoʻshmaslik, soʻzini boʻlmaslik. Suhbatdoshingizni diqqat bilan tinglashga oʻrganing. Oʻz gapi, hikoyasini tugatmasdan soʻzini boʻlmang. Soʻzini ohirigacha eshitgach, suhbatdoshga eʼtiboringizni bayon eting. Qanchalik diqqat va eʼtibor bilan tinglashga erishsangiz, kishilar, siz bilan suhbatlashishdan shunchalik zavq oladi.

4. Suhbatdoshingizga malol kelmaydigan tarzda gapirish. Suhbatdoshingizga nisbatan baland ovozda gapirmaslikka harakat qiling. Chunki baqiroq kishilarga nisbatan ovozini baland koʻtarmay meʼyorida gapiruvchilarni suhbatdoshlar diqqat bilan tinglaydilar.

5. Bemavrid gapirmaslik. Suhbatdoshingiz sizning gapingizni boʻlsa, jim turib uning eʼtirozini oxirigacha tinglang. Agar ikkalangiz ham baravar gapirsangiz bir-biringiz nima deganingizni tushunmaysiz. Shuning uchun xalqimiz “Aytishsang soʻz chiqadi, turtishsang koʻz chiqadi” degan maqol yaratgan. Buning maʼnosi shuki, kishi bir-biri bilan soʻz talashganda ikki taraf ham oʻziga loyiq soʻz topa oladi. Natijada gapdan gap chiqib, janjalga aylanib ketishi mumkin. Shuningdek, kishi bir-biri bilan turtishsa (garchi u hazil boʻlsa ham) oxiri borib chinga aylanishi, urishishga, mushtlashishga olib kelishi mumkin. Shuning uchun “Bir gapdan qolsang – olam guliston!” maqoliga amal qilish lozim.

6. Suhbatdoshingizning koʻziga qarab soʻzlashishga oʻrganing. Hech vaqt uning qoʻlidan, tugmasidan ushlab, yelkasiga qoqib fikringizga quloq solishga intilmang. Suhbatdosh diqqatini qoʻl bilan emas, balki soʻz bilan qaratishga intilish darkor. Bu qoidalarga amal qilish kelajagi buyuk davlatimizning fuqarolari uchun bebaho boylikdir. (B.Oʻrinboyevning Imom Buxoriy saboqlari kitobidan).

## **MING YILLARKIM...**

Ming yillarkim, bulbul kalomi,  
Oʻzgarmaydi, yaxlit hamisha.

Ammo shoʻrlik **toʻtining** holi

Oʻzgalarga taqlid hamisha.

Ona tilim, sen borsan, shaksiz,

Bulbul kuyin sheʻrga solaman.

Sen yoʻqolgan kuning, shubhasiz,

Men ham toʻti boʻlib qolaman.

A.Oripov

## **OʻZBEK TILI ILDIZLARI**

Oʻzbek milliy tili uzoq tarixga ega. Oʻzbek xalqi va uning tarixiga mansub boʻlgan yodgorliklar – qadimgi davrlarda yozilgan xilma-xil badiiy va ilmiy asarlar ming yillik tarixga ega. Jahonda kamdan-kam xalq bunday uzoq yozuv tarixga egadir. Oʻzbek xalqi va tiliga bevosita tegishli boʻlgan va bizgacha yitib kelgan qadimgi yodgorliklardan eng kattasi Yusuf Xos Hojibning “Baxt keltiruvchi bilim” (“Qutadgʻu bilig”) dostonidir. Bu doston 1069 yilda yozib tugallangan va 14000 misra (sheʻriy qatorlar)dan iboratdir. Bunday yodgorlik bilan har qanday xalq faxrlansa arziydi. “Qutadgʻu bilig” bilan oldinma ketin yaratilgan Ahmad Yugnakiyning “Hibbatul haqoyiq” (“Haqiqatlar tuhfası”), undan keyinroq yozilgan Qutb Xorazmiyning “Xusrav va Shirin” dostonlari oʻzbek tili tarixi zanjirini bezab turadi. Bundan keyin oʻzbek tilida asar yozish anʻanasini “Paygʻambarlar haqida qissalar” (“Qissasul anbiyo”) ning muallifi Burhoniddin Rabgʻuziy, “Muhabbatnoma”ning muallifi Xorazmiylar davom ettirdilar. Ularning ishlarini Yusuf Amiriy, Yaqiniy, Atoiy, Hofiz Xorazmiy, Sakkokiy, Lutfiy kabi oʻnlab buyuk adiblar davom ettirdilar. XV asrning oʻrtalarida oʻzbek tili va adabiyotining soʻnmas dahosi buyuk shoir, olim va davlat arbobi Mir Alisher Navoiyning adabiyot va sanʻat maydoniga chiqishiga zamin hozirlandilar. Alisher Navoiy esa oʻz ona tili qudratini shunchalik koʻklarga koʻtardiki, bu tilning shuhrati butun Sharq mamlakatlariga yoyildi. Oʻrta Osiyodagina emas, hatto Kaspiy dengiz boʻylarida Navoiy tilida yozadigan boʻlishdi. Buyuk Alisherning piri va ustozı olim va shoir Abdurahmon Jomiy “Yaxshi hamki, Navoiy fors-tojik tilida

yozmagan, bo‘lmasa biz undan hech narsa yozolmas edik”,-deb aytgan ekanlar. Shuning uchun Navoiy vafotidan 150 yil keyin yashagan Qrim xonining Rum qaysari –Tursiya sultoniga yozgan xati Navoiy asarlari tilida yozilganligi ajablanarli hol emas. Eron, Afg‘oniston, Xitoy, Kavkaz, Turkiyalarda Navoiy asarlari va ularning tilini o‘rganishga qiziqish ortdi, o‘nlab lug‘atlar yozildi.

Buyuk Alisher an‘analarini Mirzo Bobur, Muhammad Solih (Nur Said o‘g‘li Muhammad Solih), Turdi Farog‘iy, Mashrab, Huvaydo, Gulhaniy, Nodira, Uvaysiy kabi minglab shoir va shoirlar davom ettirib, bu tilni bizgacha olib keldilar. O‘zbek xalqi o‘z tilining ming yillik uzluksiz tarixi bilan faxrlansa arziydi.

Tilimiz “o‘zbek tili” nomini keyinroq –XX asrning boshlarida qabul qildi. Ungacha ona tilimiz “turkiy”, “turkcha”, “turk tili” umumiy nomlari bilan yuritilib kelinar edi. Shuning uchun Yusuf Xos Hojib:

Bu turkcha qo‘shiqlar tuzatdim senga,  
O‘qirda unutmanga duo qil menga.

Alisher Navoiy:

Turk nazmida chu tortib men alam,  
Ayladim ul mamlakatni yak qalam.

deb yozadilar.

Mir Alisher o‘z ona tili turkiy o‘zbek tiliga juda yuqori baho bergan edilar. Buyuk mutafakkir bolaligida dastlab fors tojik tilida she‘rlar yoza boshlagan vas al keyinroq 10-11 yoshga yetgach ona tilida ham she‘rlar yoza boshlagan. U ona tili xazinalarini ochib ko‘rganda uni shunday ta‘riflaydi: “Bu o‘n sakkiz ming olamdan ortiq shunday bir xazinaki, har bir duru gavhar so‘zlari osmon yoritgichlaridan ham porloqroq, shunday bir gulzorki, har bir guli chaman lolalaridan go‘zalroq”. (H.N‘ematov va boshqalarning 6-sinf uchun ona tili darsligidan).

## ISMI SHARIF

Ming yillik yuksak madaniy tarixga ega bo‘lgan o‘zbek xalqi kishi ismlariga katta e‘tibor bergan. Shuning uchun otadan farzandi oldidagi uch burchidan biri bolasiga yaxshi ism qo‘yish sanalgan.

Bolaga qo'yilgan xunuk ism yoki nomning noto'g'ri yozilishi unga bir umrga bosilgan xunuk tamg'adir.

Har bir ism o'z ma'no va mohiyatiga ega. Masalan, Sa'dullo – Oллоhning baxti, Oллоh bergan baxt, Rahmatullo –Oллоhning marhamati, Zebiniso –ayollar ko'rki, Abdurahmon –Rahmli Oллоhning bandasi, Abdullo –Oллоhning quli demakdir.

Kishi ismiga hurmat xalqimizning qadimgi udumi, madaniylik belgisidir. Tengqurlarga sensirab “Rahim”, “Salima”, “Rahmat”, “Zafar” deb murojat qilish madaniyatsizlik, qo'pollik belgisi sanaladi. Shuning uchun ismlarga hamisha –jon, -xon, -oy, -oyim, -bonu kabi erkalash hurmat qo'shimchalarini qo'shib ishlatishgan va albatta, “Siz” deb murojat etishgan. Qarindosh-urug'lar hech qachon bir-birlarini ismlari bilan atashmagan.

Shuning uchun o'z ismi sharifingizga, o'rtoqlaringiz, katta kishilarning ismlariga katta hurmat va e'tiborda bo'lsangiz, o'z madaniyligingizni ko'rsatgan bo'lasiz. Shuni esdan chiqarmangki, sensirab gapirish, kishi ismini xor va oyoq osti qilish madaniyatsizlik odatidir. Shunday xunuk odatlardan yana biri o'zimizning sharqona go'zal ismlarimizni ruslashtirib buzishdir. Diloroni Dilyara, Baxtiyorni Baxa, Baxodirni Boxo, Qahramonni Koha, Manzurani Manzu deb chaqirish xunuk odatdir. Shuni bilib qo'yingki, ruslarning eng qadimgi zodagonlari turkey ism va ota ismini olganlar. Axmetov, Raxmetov, Bagatiryov, Baskakov, Yusupov, Tarxanov, Turgenev, Saburov, Teneshev, Yelisev, Sibiryakov, Kazakov kabi mingdan ortiq rus ota ismlari turkey til, jumladan, o'zbek tilidan olingan. Shuning uchun o'zimizning sharqona ismlarimizni ovro'palashtirish behad yomon rasmdir. “Yomondan qoch”, -deydi xalqimiz. (H.N'ematov va boshqalarning 6-sinf uchun ona tili darsligidan).

## **TAQVIMLAR**

Taqvimlar (kalendarlar) vaqt hisobini olib borish uchun juda zarurdir. Qadim-qadim zamonlardan beri xalqlar xilma-xil taqvimlardan foydalanib kelganlar. O'zbek xalqi asosan uch xil taqvimdan foydalangan va foydalanib keladi:

1. milodiy (umumevropa taqvimi);

2. bobo dehqon yoki muchal taqvimi;
3. hijriy (islomiy) taqvim.

Milodiy taqvim hozir bizda asosiy va rasmiy taqvimdir. Taqvimning milodiy deb atalishiga sabab shuki, bu taqvimda birinchi yilning birinchi kuni sifatida nasroniylik (xristianlik) dinining asoschisi va payg'ambari Iso Masihning milod (tug'ilishi) kunlari qabul qilingan. Bu taqvim bizga XIX asrning o'rtalarida kirib keldi va 1924 yildan keyin rasmiylashdi. Hozir milodiy taqvimdan barcha jahon xalqlari asosiy yoki qo'shimcha ikkinchi taqvim sifatida keng foydalanadilar.

Bobo dehqon (yoki muchal) taqvimi dehqonchilik bilan shug'ullangan qadimgi sharq xalqlari orasida ming-ming yillardan beri amalda. Aniq astronomik hodisa –yerning Quyosh atrofida aylanish va ob-havoning o'zgarishi, yil fasllarining almashinishi bilan bog'liq bobo Dehqon taqvimi jahondagi eng aniq astranomik taqvim sanaladi. Butun Sharqda dehqonchilik ishlari shu taqvim asosida olib boriladi. Yilning boshi deb bahorning birinchi kuni -kun va tunning tengligi –Navro'z kuni -21 mart qabul qilingan. Shuning uchun bobo dehqon taqvimi oylari milodiy oylarning 21 yoki 22 kunida yangilanadi. Bir yil 12 oydan iborat. Ular quyidagilar:

№	Bobo dehqon taqvimida	Milodiy taqvimida (taxminan)
1	Hamal (qo'y)	21 martdan 20 aprelgacha
2	Savr (sigir)	21 apreldan 21 maygacha
3	Javzo (egizaklar)	22 maydan 21 iyungacha
4	Saraton (qisqichbaqa)	22 iyundan 22 iyulgacha
5	Asad (sher)	23 iyuldan 22 avgustgacha
6	Sumbula (boshog)	23 avgustdan 22 sentabrgacha
7	Mezon (tarozu)	23 sentabrdan 22 oktabrgacha
8	Aqrab (chayon)	23 oktabrdan 21 noyabrgacha
9	Qavs (yoy)	22 noyabrdan 21 dekabrgacha
10	Jadiy (tog' echkisi)	22 dekabrda 19 yanvargacha
11	Dalv (qovg'a)	20 yanvardan 18 fevralgacha
12	Hut (baliq)	19 fevraldan 20 martgacha



Bobo dehqon taqvimini 12 yillik davriy yil hisobiga ega. Bir davr muchal deb ataladi. Har bir yilning o'z nomi va raqami bor. Bular quyidagilar:

- |             |             |
|-------------|-------------|
| 1. Maymun   | 7. Yo'lbars |
| 2. Tovuq    | 8. Quyon    |
| 3. It       | 9. Baliq    |
| 4. To'ng'iz | 10. Ilon    |
| 5. Sichqon  | 11. Ot      |
| 6. Sigir    | 12. Qo'y    |

Milodiy yilning Muchal yillaridan qaysi biriga to'g'ri kelishini bilish oson. Buning uchun milodiy yil (masalan, 1998) 12 ga bo'linadi. Qoldiq (m.,6..) shu milodiy yilning 21 martida 6 –raqamli muchal yili (yo'lbars) kirishini bildiradi.

**Hijriy taqvim** islom diniy davlatlarining rasmiy taqvimidir. Bizda unda faqat diniy taqvim sifatida foydalanadilar. Milodiy va bobo dehqon taqvimlari shamsiy taqvim bo'lsa hijriy taqvim qamariy (oy) taqvimidir. Yangi oyni chiqishi bilan hijriy yilning yangi oyi boshlanadi. Oy esa 29,5 sutkada yangilanadi Hijriy yilda 365 yoki 366 kun emas, balki  $29,5 \times 12 = 354$  kun bor. Shuning uchun hijriy taqvim oylari yil fasllariga to'g'ri kelmaydi va har yili har bir oyi o'tgan yildagidan 11 kun oldin keladi. Chunonchi, ramazon oyi 1998 yilning 1 yanvarida boshlansa, 1999 yilda undan 11 kun oldin, yani 1998 yil 21 dekabrda boshlanadi, 2000 yil ramazon oyi 1999 yil 10 dekabrda boshlanadi. Hijriy taqvimning 12 oyi quyidagicha nomlanadi:

1. muharram (ashur) 2. safar 3. rabiuvavval 4. rabiussaniy 5. jumodiul-avval, 6. jumodius-soniy 7. rajab, 8. sha'bon 9. ramazon 10. shovvol (hayit) 11. zulq'ada (oro) 12. zulhijja (qurbon).

Hijriy taqvimning birinchi yili sifatida payg'ambarimiz hazrat Muhammad Mustafoning Makkadagi mushriklar (kofirlar) taqibidan Madina shahriga hijratlari (ko'chirishlari) va Madina Islom dini markazini barpo etilish kuni qabul qilingan. Bu milodiy 602 yilning 16 iyuliga to'g'ri keladi. Hijriy taqvimni payg'ambarimiz vafotlaridan keyin 10 yil o'tgach, xalifa hazrati Umar ibn Xattob islomiy taqvim sifatida joriy etganlar. Hijriy

taqvim tarixiy voqealar, kishilar yoshini hisoblashga, dehqonchilik ishlarini olib borishga yaramaydi. Shuning uchun manbalarda tarixiy sanalar bir vaqtda 2 taqvim bilan –hijriy va bobo dehqon taqvimi bilan ko‘rsatiladi. Hijriy yilni milodiy yilga aylantirish uchun maxsus jadvallardan (sinxronik, qiyosiy jadvallar deb ataladi) foydalaniladi. (H.N’ematov va boshqalarning 6-sinf uchun ona tili darsligidan).

## O‘ZBEK TILI -O‘Z TILIM

Senda so‘ylab quchdim ijod zirvasin,  
Senda so‘ylab sezdim qizlar jilvasin.  
Senda kuylab chaldim vatan sozini,  
Sen tufayli tuydim sharq ovozi.  
    Geote ash‘orini etganda talqin,  
    Ilitding qalbimni misoli yolqin.  
    Qurganda Lessing –la suhbatini jonon,  
    Yog‘du sochding go‘yo xurshidi jahon.  
Geyni birla sirdosh bo‘lgan har joyda,  
Navoiy bo‘ladi yo‘limda paydo.  
G‘azal mulki ichra sulton shoista  
She‘riyat bog‘iga eltdi ohista.  
    Mir Alisher tili –turkiysan turkiy,  
    Sensan ijodimga ilhom va turki!  
    Quyoshdan nur olgan yog‘dudor oyday  
    Mahmud Koshg‘ariylar o‘tar paydar pay.  
Yusuf Xos Hojib –chi, ustoz donishmand,  
“Qutadg‘u bilig” dan so‘zlar har oqshom.  
Qudrating tufayli Firdavsiy, Xayyom  
Bayoti o‘qilur har dam, har ayyom.  
    Sen borsan o‘qilur azal –azaliy  
    Jomiy, Sa‘diy, Hofiz mumtoz g‘azali.  
    Xoqoniya erdi Temuriy tili,  
    Shunda raqam chekib yayrardi dili.  
Harbu zarb rejasin qilganda tafsil,  
Qo‘l kelardi unga o‘zbek –turkiy til

Lutfiyalar g‘azalin eding tamali,  
Senda –ku she’riyat –rangin amali.  
    Turfa tilni bisot aylab ustuvor,  
    Olg‘a yelaver, yel bamisli suvor.  
    Mangulik dunyosin kaliti tildir,  
    Ezgulik dunyosin kaliti dildir.  
Derlar falon tilda ustun nafislik,  
Senda ham bor o‘sha boylik, hafiflik.  
Senda mujassamdir hamma –hammasi,  
Besh yuz yil o‘tibon oradan, yana  
    Senda yaraldi –ku buyuk durdona –  
    Yigirmanchi asr o‘zbek “Hamsa”si.  
    Unga asos solmish yuragi cho‘g‘li,  
    Otashnafas Barot Boyqobul o‘g‘li!  
Yolg‘on emas o‘zbek tili o‘z tilim,  
Shu tilda olganman bir dunyo bilim.  
Bormi yo shubhangizki, men begonaman,  
Shu tilda sevib, shu tilda yonaman.  
    Shu tilda yig‘lab, shu tilda kulaman,  
    Shu tilda yashab, shu tilda o‘laman.

(Poshali Usmon ijodidan)

# ҚУЙИДАГИ МАЪРИФИЙ МАТНЛАРНИ КИРИЛЛ АЛИФБОСИДАН ЛОТИН АЛИФБОСИГА ЎГИРИБ КЎЧИРИНГ.

## АНЪАНА ВА ЯНГИЛИК

Амирий озарбайжон халқининг даҳо шоири Фузулий ва Яссавий ижодига ҳам чуқур ҳурмат билан қараган, унинг қатор ғазалларига мухаммас боғлаган. Ўз навбатида, Амирий анъаналарини ҳам ўз издошлари, ҳамнафас шоирлар давом эттиришган. Шоирнинг ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган “ҳавас” радифли ғазали фикрларимизнинг ёрқин далилидир. Амирийнинг бу ғазали ёзилиб ҳали сиёҳи қуримаган пайтдаёқ ўрда шоирлари томонидан 30-40 лаб тазмин – мухаммаслар боғланиб кетади. Хижлат, Хотиф, Нусрат, Хислат каби шоирлар бу йўлда ажойиб ютуқларни қўлга киритди.

### Амирийда:

Ишқ майдонида бошим чўю чавкондур сочи,  
Этмасун ул шўх ўзга гўю ила чавкон ҳавас.

Қадимги халқимиз орасида чавкон ўйини кенг тарқалган. От миниб қўлга таёқ билан коптокчани уриб ўйнаш асосига қурилган бу ўйин ошиқ-маъшуқлар хуморини ёзиш учун ҳам қулай ҳисобланган. Шоир бу байтда ишқни ўйин ўйналадиган майдон; бошини гўю (копток), ёрнинг сочларини чавкон (учи эгри таёқча) деб, маъжозий ўхшатишлар билан ифодалаган. Ишқ майдонида ул шўхнинг сунбул сочлари менинг бошимни тутиб, тепиб ўйнасин. Аммо ўзга гўю ила чавкон этмасун ҳавас.

### Хижлатда:

Расмдур ҳусн элиға андоқки чавкон ўйнамоқ,  
Бор эди дастур ишқ аҳли аро жон ўйнамоқ,

Хижлат, Амирийнинг фикрини ривожлантириб янгилик кашф этади. Ишқ майдонида ошиқ-маъшуқларнинг чавкон ўйнамоғи «ишқ аҳли аро жон ўйнамоқ»қа ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам ошиқликда жон «комбинация» асосида ўйналади. Маҳбуба ўз

ошигининг жонини олади, ўз навбатида, лаблари тоза жон бахш этади, хулласи калом жон ўйналади.

### **Хотифда:**

Зулфини чавкон этиб азм этти жонон ўйнамоқ,  
Вожиб этти гўйё ҳар ториға жон ўйнамоқ.

Бу ерда фикр ривожланиб, комбинация анъана давом эттирилиб янгилик яратилган. Ёр сочи, зулфи ошиқни бу дунёга боғлаб ташлайди. Кўнглига зулф савдоси тушган ошиқ жон ўртамоққа маҳкумдир. Кўнглига зулф савдоси тушган ошиқ зулфга ўралиб ёр хаёлидан узоқлашолмайди. Шундай экан чавкон этилган зулфнинг ҳар бир ториға жон ўйнаётгандек кўринади.

### **Нусратда:**

Жилва рахшига миниб майдонда жавлон айлаким  
Кўйдек бошим тилар тифингла чавкон ўйнамоқ.

Рахш Рустамнинг отининг номи, бу афсонавий от бўлиб нур тезлигидаги чопқир от. Ёр ишқ майдонида мана шу отга миниб жавлон урмоқ ва ошиққа жилва қилмоқ истайди. Ошиқнинг боши шу жилва тиғи бирлан чавкон ўйнамоқлиги нақадар жозибали.

### **Хислатда:**

Чобуким қилса ҳавас майдонда чавкон ўйнамоқ,  
Бош ушлаб кўйдек ман истарам жон ўйнамоқ.

Чобук – чаққон. Бу ёрнинг сифати. Назокатли чаққон ёрим майдонда чавкон ўйнамоқни ҳавас қилса, менинг кўнглим жон ўйнамоқни истайди.

Бу мисоллар Қўқонда яшаган бир гуруҳ шоирларнинг Амирий ғазалига боғлаган мухаммаси бўлиб, бир мавзуда кўп хил оригинал фикрларнинг юзага келганини кўрсатади. Бу мисоллар Амирий ижодига ҳурмат ва эҳтиром ўз давридан бошланганлигининг гувоҳидир. Хулласи калом, бу мисоллар Амирий ижоди ўзбек адабиётининг узвий бир қисми бўлиб, халқимиз томонидан севилиб ўрганилишининг ёрқин гувоҳидир.

Амирий ўз ғазалларидаги лирик қаҳрамонни, ошиқнинг маъшуқасига бўлган самимий муҳаббатини халқ ва ватан ҳамда оллоҳ ишқи билан чамбарчас боғлади. Лирик қаҳрамоннинг ўз маъшуқасига бўлган оташин муҳаббатини куйлаш орқали чинаккам садоқатли севгини улуғлайди. Ҳақиқий ошиқнинг ички кечинмаларини, севги туфайли бошдан кечирган изтиробларини юксак бадиий маҳорат билан ифода этади. (Муаллифнинг «Бўлмаса ишқ» китобидан).

## **БЎЛМАСА ИШҚ ИККИ ЖАҲОН БЎЛМАСИН**

Навоий «Ҳайратул аброр» достонининг «Ишқ» бобида оламнинг яратилишидан бошлаб ишқ хусусиятлари, ошиқлик қонуниятлари ҳақида батафсил тўхталади. Ишқнинг чегараси йўқ. Ишқ бепоён ва чексиз. Қалбда исталганча, яъни сева-сева йўқ бўлиб кетгунча яхши кўриш мумкин. Ишқнинг қудрати ҳам чексиз шунинг учун ҳам:

Мушкул эмас ишққа жон ўртамак,  
Ўтга не душвор жаҳон ўртамак.

Оловга бутун жаҳоннинг кулини- кўкка совуриши ҳеч гап эмаслиги каби ишқ олови учун ҳам ошиқ танаси ҳеч нарса эмас. Ишқнинг чексизлиги ва барча хусусиятлари ҳақида гапириб бўлгач, Навоий ишқ мубтало қилган ошиқлик хусусияти ҳақида батафсил тўхталади. Ошиқларни ёлғон ва ҳақиқий ошиқларга бўлиб, уларнинг сифатларини беради. Ким ошиқ-у, ким ошиқ эмас деган саволга жавоб беради:

Ошиқ ўзин ким деса, ошиқ эмас,  
Барча киши ишқда содиқ эмас,

Улки кезиб ҳусн писанд айлағай,  
Сўнгра кўнгулни анга банд айлағай,

Они кўнгул демаки бир пора тош  
Не қизигай шамъ ўтидин хора тош

Ўзни такаллуф била гамнок этиб.

Мотоми йўқ, лек яқо чок этиб.

Бу ҳақиқий ишқ эгасининг таърифи эмас. Барча киши ишқда содиқ бўлмаганидек, бундайлар ошиқман дегани билан ошиқ эмас. Негаки, у ишқ юзда эмас кўнгилда эканини унутган. Бундай кўнгил, кўнгил эмас бир пора тошнинг ўзгинаси. Унинг қалби ҳиссиз. Тош ёнмаганидек, ундайлар қалби ҳам ёнмайди, куймайди. Яна бундайлар ўзини-ўзи қийнаб гамга ботиради. Ёқасини йиртади, лекин чин дилдан қийналмайди. Юракдан ёш тўколмайди. Куйдим, ёндим деб ёқа йиртгани билан чин ошиқлар каби мотам тутолмайди ҳам. Бу ошиқ эмас. Мана:

Бу эса ошиқ эрур ўлтиргулик,  
Бошдин - оёқ жисмини куйдургилик.

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,  
Ҳам тилию, ҳам кўзи – ю, ҳам кўнгли пок.

Ўзлигинин ишқ ани пок этиб,  
Балки фано ўтига хошок этиб.

Дардни қалби тош, бераҳм, ҳиссиз кишилар чеколмайди. Дард чекиш учун энг аввало тили ҳам, кўзи ҳам, кўнгли ҳам пок, Фарҳоддек бўлиши керак. Дард чекиш учун ёрни тирноғидан, тепа сочигача ёр юртидан то итигача – бутунлай Мажнун каби севиш керак. Энг оғир дард чекиш учун вужуднинг фироқ тоғида чанги чиқиб кетгунича севиш керак. Ҳаттоки севиб – севиб фано ўтига ўтин бўлиб ёниб кетиш керак. Ишқ ўтининг фано ўтига ўтин бўлиши тирикликда фоний бўлиш ўзликдан кечиб бутун дунёдаги нарсаларда худони кўриш каби руҳий камолотдир. Бундай камолатга эришиш учун ошиқ кишида ёр хаёлидан бошқа хаёл, жонида жонон гамидан ўзга гам бўлмаслиги керак. Жонини жанон жони билан тўлдириш керак:

Файр хаёлин чиқориб жонидин,  
Мамлу этиб жонини жононидин.

Нуқтада мойил тили ҳар сўзга йўқ,  
Жонида жон ғамидин ўзга йўқ.

Кўзда кўриб ёр юзи ҳайрати,  
Куйдурубон кўнглини кўз ғайрати.

Бундай камолатга эришиш учун, ўзликни йўқ қилиб ҳар нарсада ҳар тарафда ёрни кўриш керак. Кимки шундай хусусиятга эришса, ишқ ичра энг мағлуб кишидир. Бундай хусусият Мажнунга хос сифат. Чунки Мажнунни ота-онаси, қариндошлари Каъбага зиёратга олиб бориб, оллоҳдан илтижо қилгилки, сенинг қалбингдаги ишқни қайтариб олсин деганларида, Мажнун бунинг аксини тутиб:

Ишқ ичра мени йўқ айла ёраб,  
Қалбимни ғам билан тўқ айла ёраб

- дейди. Бу билан эй оллоҳ, менга шундай буюк ишқ берки, бу ишқ ичра йўқ бўлиб кетгунча ёрга интилай, дейди. Тепа сочидан тирноғигача ғамга айланиб қолган ошиқ, бу ғам ҳеч нима эмас, менга шундай буюк ғам берки, қалбим ғам билан лимо-лим тўлиқ бўлсин, қолаверса, дунёдаги жамийки ошиқ аҳлининг ғамини йиғиб кўнглимга солки, мен шундай буюк ғам билан ёрга интилай, дейди. Бундай хусусият минг ошиқдан бир ошиққа хос. Ҳар тарафда ёрни кўриш чексиз севги ичидаги олий севишдир. Навоий бу ерда сўфийлик гояларига амал қилади:

Балки бўлиб ўзлиги ҳам бартараф,  
Кўзки солиб, ёр кўриб ҳар тараф.

Ким бу сифат ишқда мағлуб эрур,  
Ҳар неки андин келур, ул хуб эрур.

Бундай сифатни эгаллаш учун вужудни ҳаром — харишдан буткул четлаш керак. Рухнинг нозик қирраларини



эгаллаб руҳий камолотга эришиш керак. Навоий «ишқ» бобини мана бундай тугатади:

Ўтга тушуб пок бўлур кимки ғаш,  
Покроқ ўлгай ўт аро покваш.

Кимки бу куймак анга одатдурур,  
Дуйную уқбода саодат дурур.

Киши қалби қанчалик ғаюр бўлсин, ғаш бўлсин ўт поклайди. Ишқ ўти ҳаттоки пок кишиларни ҳам янада покваш қилади. Қалбдаги жамики шайтоний ҳислатларни куйдириб юборади. Шунинг учун ўтда куймоқ саодатдур. Кимки ишқ ўтида куймоқни одат айласа, у киши бу дунёда комил охиратда жаннатий бўлади. (Муаллифнинг «Бўлмаса ишқ» китобидан).

## **ИШҚ ИЧРА БЎСТОН ЯРАТДИ**

Мусулмон оламида катта шухрат қозонган, мутасаввуф, тасаввуф шажараси Яссавия (Яссавийлик) оқимининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий (Туркистон ота) дунёқарашида ИШҚ ўзининг тор маъносидан, кенг ва боқий формасига интилиш, ҳаракат қилиш майдонида намоён бўлади:

Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлғил,  
Меҳнат тортиб ишқ йўлида содиқ бўлғил.  
Нафсни тегиб даргоҳига лойиқ бўлғил,  
Ишқсизларнинг ҳам жони йўқ, имони йўқ.  
Яссавийда ишқ оллоҳ учун эмасми?

Бу билан Яссавий ошиқлик, ошиқликда эса содиқлик керак эканини уқтиради. Одамнинг кимлиги ҳам ошиқлик синовида билинади. Шунинг учун ошиқликни даъво қилган ҳар бир кишининг қалби азалий машуқа ишқи билан лиммо-лим бўлиши керак. Йўқса, Исо пайғамбар таъкидлаганидек, ишқ билан тўлмаган қалб иллатлар билан тўлади. Ишқ қалбни ҳар қандай ғаюрликлардан халос этади, қайта поклайди.

Яссавий ҳикматларида: «Ишқ мактабин қурдим мано», «Ёлғон ошиқ, чин ошиқни кўрдим мано», - каби иборалар кўплаб учрайди. «Ишқ мактабин қурдим мано», -деб у тасаввуфнинг Яссавийлик сулукига асос солганига ишора қилади. Ёлғон ошиқлар деб Мулло, Муфти бўлса ҳам, «ноҳақ даъво қилғонлар»ни, Қози, Имом бўлиб-у, «Оқни қаро деганлар»ни, кўзида ёши, қалбида ғами йўқ-у Шокирман деб лоф урувчиларни, одамлар олдида бошқаю, хилватда бошқача ишқсизларни атайди. Чин ошиқлар сирасига тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам, ўзи ҳам бир покдомонларни, қалбида ишқ ўти ловуллаб ёнаётганларни, нафсни ақлга таслим эттира олганларни, фақирликни роҳат деб қуллигини ўз бўйнига олганларни киритади.

Яссавий мистик пессимистик туйғулардан жуда ҳам йироқ, Таркидунёчилик қилмайди, лекин бузуқликларга тошган бу дунё, бир зум ҳам Яссавийни қониқтирмайди. Шунинг учун одамлар характеридаги ёмон хислатларга қарши исён кўтаради. Шу замонда яшаётганлиги учун замондан безлайди. Яхшиликка ундайди, ҳақни ва унинг зухури бўлган бутун оламини севишга чорлайди. Бу ўринда:

Сизни, бизни ҳақ яратди тоат учун,  
Эй булжажаб, ичмак, емак, роҳат учун.

-дейди.

Яссавийликда роҳат, кўнгил-вужуд эҳтиёжини қондириш эмас. Вужуд кўнгил нималарни истамайди? Вужуд устидан ақл ҳукмрон бўлиши, тандаги бутун 360 томирнинг ҳам, 444 та сўнғакнинг ҳам кишига, ақлга қул бўлиши тарафдори. Фақирликни одат қилиб, хорлик тортиб, машаққатни роҳат билганлар, яхшиларга хизмат қилганлар қиёматда Султон бўлади дейди.

Байт:

Бу дунёда фақирликни одат қилган,  
Хорлик тортиб машаққатни роҳат билган,  
Қул Хожа Аҳмад яхшиларга хизмат қилган,  
Қиёмат кун андоқ киши султон бўлур.

Шоҳона ҳаётдан қочмоқ, камтаринлик рутбасига кириб фақирона яшаш сўфийликда одат тусига кирган. Шоҳона ҳаётдан қочмоқ, нафсга қул бўлишнинг олдини олишдир. Зероки, тасаввуфда инсон инсонга эгалик қилмаслиги керак, чунки ҳамма инсоннинг эгаси Ҳақдир.

Ҳожа Аҳмад Яссавий фалсафий фикрлари билан танишиш ўзимизни, ўзлигимизни англашни бир қарра енгиллаштиради. Ҳаётнинг асл моҳиятини теран тушунишимизга ёрдам беради. «Девони ҳикмат» асари эса бой тарихимиз, динимиз, урф –одатимиз, тилимиз тараққиёти ҳақида кенг маълумот берувчи мислсиз, беқиёс хазинадир. Яссавий ҳикматларини ўқимаслик аянчли фожеа билан тенг.

Ахир!:

Дунё менинг дегонлар,  
Жаҳон молин олганлар,  
Каргас қушдек бўлубон,  
Ул ҳаромга ботмишлар.

-ёки,

Ҳаром еган ҳокимлар  
Ришват олиб еганлар,  
Ўз бармоғин тишлабон,  
Қўрқуб туриб қолмишлар.

-ёинким,

Охирзамон олимлари золим бўлди,  
Хушомадни этгучилар олим бўлди.  
Ҳақни айтган дарвишларга ғаним бўлди,  
Ажаб шумлиқ замоналар бўлди, дўстлар.

-деб миллион –миллион кишилар бугунгача айтолмай келган аччиқ ҳақиқатни айтган Туркистон Отанинг ҳикматлари ҳар бир ўқувчининг руҳини маънавий озиқлантиради.

Умуман, Яссавий муҳаббатни улуғлар экан, инсонни, унинг софлигини, эътиқодли бўлишини талаб этади. (Муаллифнинг «Бўлмаса ишқ» китобидан).

## МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА СЕВГИ ТЕМАТИКАСИ

Муҳаммад Юсуф фақат шеър ёзишнинг, кўшиқ тўқишнинг устаси бўлиб қолмай, чинаккам севишнинг ҳам устасидир. Истеъдодли шоир ўт юракли чин ошиқ. Унинг шеърлари нафис туйғулар, ажиб нафосат руҳи билан суфорилган ва ўтли муҳаббат юрагининг меваларидир.

Шоирнинг шеърлари ҳам шоирнинг ўзи каби нақадар содда, жўн ва жуда камтариндир. Унинг шеърларини ўқиш жуда осон, гўёки халқ оғзаки ижоди маҳсулидек кечади. Муҳаммад Юсуф ўзининг шеърлари билан юракнинг очилмаган сирларини очади. Юрак билан ёнма-ён ўтириб мулоқотга киришади:

Юрак ёмон экансан,  
Қип –қизил қон экансан,  
Кун йўқ экан менга ҳеч  
Сенки омон экансан.

-деб юракдан ўпкалайди.

Шоир соф юракни ўз измига солишга уринади, юрак билан бир сўзли бўлишга, юрак билан дўстона яшашга интилади, лекин юрак шоирнинг гапига қулоқ солмайди. Қайсар шоир ҳам юракнинг айтган йўлидан юрмайди. Ўз ҳукмига бўйсинмаган юракни гоҳ қийма-қиймалаб оловларга отгиси келади, гоҳ сувга отиб юбориб ўзи соҳилларда қум билан қучоқлашиб ётгиси келади, юракдан аразлайди. Ўз навбатида, жондан севган машуқа висоли хаёлида сарсону саргардон бўлиб, куйиб кул бўлиб кетган юрак ҳам, ошиқдан аразлайди, ёр висолига етмасликка бош сабаб деб ошиқни кўрсатади. Ноилож қолган шоир юракни овутмоқ ва алдамоқ, тинчлантирмоқ учун, айбни аллақандай «қарғаларга» ағдаради:

Осмон-олис осмон жим,  
Марҳаматда қор ёғар,

Сени қандай севардим,  
Кўролмади қарғалар.

Шоир юрак билан узоқ мулоқотга киришади. Юрак сирларини теран тушуна боради. «Бир кеча» деб номланган шеъри жуда ҳам характерлидир:

Бир кеча бехосдан уйғониб кетсам,  
Йиғлаб ўтирибди юрагим юм-юм.  
Чўчиб турдим: сенга нима бўлди эркам,  
Нимага йиғлайсан,  
Мен нима қилдим?...

Дарҳақиқат, Юрак ухламайди. Юракни фақат гафлат босади. Юрак олдида шоир ҳамиша ўзини қарздор ҳисоблайди. Юрак – объект. Юракда исталганча севиш мумкин.

Ёрнинг жони билан, жонни тўлдириш. Ёр хаёли билан яшаш, каби руҳий ҳолатлар ошиқликнинг бош хусусиятларидан бири. Шоир девона юрагига далда бермоқ истайди, юрак мажнунвор севги даштини кезишни тинмай давом этади. Юракни кўндирмоқ истаб кўп уринади:

Ундай десам бўлмас,  
Бундай десам бўлмас,  
Чекдим.  
Чиқиб сокин ҳовлини кездим.  
Ҳамма юлдуз сўнди.  
Бир юлдуз сўнмас  
Кўзимга мўлтириб турар илк севгим.

Илк севги... Севги айтилмайдиган, ҳис қилинадиган ҳодиса бўлгани учун бу иборани таърифлашга қаламимиз ҳам ожизлик қилади.

Ошиқликда қизиқ ҳолатлар жуда ҳам кўп. «Муҳаббат лолақизғалдоқ тексанг тўкилиб кетади, тегмасанг бўлмас», - деб муҳаббатга таъриф берган шоир энди севгилисини, муҳаббатини қуш бўлиб учиб кетганга, оҳу бўлиб қочганга, ўзини эса қувиб етолмай армонда қолган бечорага ўхшатади.

Ошиқликда ҳаётдагининг акси. Бирон нарсани овлаб тутсанг ёки қочса-ю, қувиб етсанг ҳаётда тазирини берасан. Ошиқ эса ундай қилмайди, қилолмайди, муҳаббатни тутиб олса бир ширин сўз айтади, эркалайди, сийлайди. Ошиқ бир ширин сўз айтолмаётгани учун ҳам куйинаверади, куйинаверади. Ерга қараб эзилаверади, осмондай кенгликка қараб ҳам қисилаверади. Бир бор кўриб айтолмай қолган биргина ширин сўз ошиқ тамоғига бир туюр жон бўлиб тикилиб қолаверади.

Ошиқ киши муҳаббат йўлида шундай руҳий азобларни чекиб - ёр висолига етмас экан, ўз – ўзидан муҳаббат йўқ бўлиб кўринади. Шундай садоқатли вафодор ёрга, ёр висолига етишиш йўқ экан, демак ўз-ўзидан юрак ҳам қон-қон йиғлайди. Шу сабаб шоир:

Тонг оқарди юракдаги шу бир чўғ деб,  
Армондаги, тилакдаги шу бир чўғ деб,  
Юрагим қон йиғлар бўлди севги йўқ деб,  
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим...

сингари ўтли мисраларни ёзади.

Шоир ажиб гўзаллик соҳиби бўлган кийикдаги гўзалликни, мусаффоликни кўра олган:

Эрка кийик, майлими бир эркаласам,  
Мажнун бўлиб саҳроларга еталасам,  
Бу дунёда бирдай ғариб мен ҳам, сен ҳам,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?...

Кийик, эрка кийик. Бу ҳам етмаганидек, эрка кийикни эркаламоқ истади шоир. Мажнун бу «бузуқ дунё»дан жамики инсон зотидан безган эди. У соф дил, тиник, покиза ва беғубор кўзли юксакларда юрган кийикнинг қулоғига шивирлайди, ўз дардини айтиб кўнглига далда беради. Инчинун, шоир ҳам кийикни Мажнун бўлиб саҳроларга еталагиси келади. Ўзи ғариб ва умидсиз юрган ошиқ кийикни ҳам ғариб кўради. (Муаллифнинг «Бўлмаса ишқ» китобидан).

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ги Қонуни. Тошкент шаҳри, 1993 йил, 2 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақидаги Қарори, «Тил ва адабиёт таълими». 1994, 1-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қарори. Тошкент шаҳри, 1995 йил, 6 май.
4. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги 1995 йил 24 августдаги Қарори.
5. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари, Т., «Ўқитувчи», 1995. («Маърифат» газетаси, 1994, 6 июль).

\*\*\*

6. Абдуллаев Й. Янги алифбо ва имлони ўргатиш дастури, «Бошланғич таълим» журнали, 1994, 2-3 сонлар.
7. Аширбоев С. Давлат тили, адабий тил ва алифбо, «Тил ва адабиёт таълими» журнали, 1994, 1-сон.
8. Ўринбоев Б. Алифбо (Лотин ўзбек алифбосини ўрганувчилар учун қўлланма). –Самарқанд, 1994 йил.
9. Ўринбоев Б. Имом Бухорий сабоқлари. –Самарқанд, 2000 йил.
10. Ҳ.Неъматов, А.Ғуломов... Она тили (6-синф дарслиги). – Тошкент, «Ўқитувчи», 1998 йил.
11. Туробов А. Бўлмаса ишқ. –Самарқанд, 2004 йил.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Ўзбек халқи фойдаланган ёзувлар .....	6
Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. Ҳарфлар имлоси.	
Унлилар имлоси.....	17
Ундошлар имлоси.....	21
Асос ва қўшимчалар имлоси.....	39
Қўшиб ёзиш .....	42
Чизиқча билан ёзиш .....	45
Ажратиб ёзиш.....	46
Бош ҳарфлар имлоси.....	48
Кўчириш қоидалари.....	52
Ўқиш учун маърифий матнлар	
Салом ҳам фарз, алик ҳам фарз .....	54
Давлат тили .....	56
Аввал ўйла, кейин сўйла .....	57
Минг йилларким.....	58
Ўзбек тили илдизлари .....	59
Исми шариф .....	60
Тақвимлар .....	61
Ўзбек тили –ўз тилим .....	64
Маърифий матнларни кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўгириб кўчириш.	
Анъана ва янгилик.....	66
Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин.....	68
Ишқ ичра бўстон яратди.....	71
Муҳаммад Юсуф шеърлятида севги тематикаси.....	74
Адабиётлар .....	77





Таҳрир –нашриёт бўлими.  
Техник муҳаррир М. Мамадова  
Матн муҳаррири: Э. Вали  
СамДЧТИ нашриёт –матбаа маркази:  
Самарқанд шаҳри Охунбобоев кўчаси, 93  
Босишга рухсат этилган: 2.05.05.  
Адади 100 нусха. Қоғоз бичими А4  
Шартли босма табағи 5.  
Буюртма № 86 10.05.05.  
Муаллиф ҳисобидан чоп этилди.